Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Қишлоқ ҲАҚИҚАТИ

1990 йил 9 июнь
ШАНБА
№ 131 (4924).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг газетаси

1974 йил 1 январдан буён нашр этилади ◆ Душанбадан ташқари ҳар куни чиқади ◆ Баҳоси 3 тийин

ХАЛҚ ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТ ҲИССИ

ЖУМҲУРИЯТ КОММУНИСТЛАРИНИНГ ОЛИЙ АНЖУМАНИДА ШУНДАЙ РУҲ ҲУКМ СУРДИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси XXII съезди кўпгина делегатларининг нутқларида мазкур анжуман жумҳурият тарихига катта бурилиш босқичи сифатида киради, деган фикр яққол сезилиб турди. Ҳозирги пайтда биз баландпарвоз сўзлар айтишдан ўзимизни тийиб, турғунлик даврида йўл қўйилган хатоларни такрорлашдан чўчиб турган бўлсак-да, юқоридаги гап ҳаммамизга ишонч бағишлади.

Хўш, кўп миллатли Ўзбекистон Компартияси ўзини- ўзи такомиллаштириш йўлидаги интилишда қайси йўлни танлади? У жумҳуриятни ўпирилишдан қандай қилиб олиб чиқмоқчи? Бутун мамлакатимизда, жумладан ўлкамизда рўй бераётган воқеаларга муносабати қанақа? Бугунги кунда ҳар биримизни тўлқинлантириб, ташвишга солиб турган ана шу саволларга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиби, жумҳурият президенти И. А. Каримовнинг маърузасида, делегатларнинг нутқларида, қабул қилинган ҳужжатларда муфассал жавоб берилди.

Деҳқонларимиз съезд ишини синчковлик ва чуқур манфаатдорлик билан кузатиб бордилар. Шундай бўлиши табиий, негаки қишлоқ меҳнаткашлари ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий-маънавий жиҳатдан камситилиб келдилар. Маъмурий-буйруқбозлик системаси, шахсга сиғиниш, турғунлик йиллари иттифоқимизда яшаб турган аксарият одамларга ўз зулмини ўтказди. Ким кўп ёки оз жабр кўрганини ҳисоблаб ўтирадиган пайт эмас ҳозир, албатта. Аммо қишлоққа чиқиб деҳқон ҳонадонига мўралаш, унинг болалари қандай кийинганига, овқатланишига, ўқиётган мактабига бир назар ташлаш кифоя, ўшанда асрлар мобайнида ўзбек тупроғининг шон-шуҳратини оламга ёйиб келган, бугунги кунда ҳам энг асосий бойлик яратиб, мамлакат иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшаётган инсонлар нақадар қашшоқлик ва ҳақсизлик даражасига тушиб қолишганини англаб етиш қийин эмас.

Яна бир ҳолатни таъкидлаб ўтишга тўғри келади, назаримизда у деҳқонларимизнинг жамиятдаги мавқеи ва ўрнини тушунишда, гоят муҳимдир. Бултур 719 нафар киши партиядан чиқди, жорий йилнинг ўтган ойларида ҳам тахминан шунча бўлди. Шуниси эътиборга моликки, партия билети ёки номзодлик варақасини топширганлар орасида бевосита ерда ишлайдиган оддий деҳқонлар йўқ. Буни кўпгина сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Сабр-тоқатли бўлиш — уларга аждодлардан қолган мерос фазилат. Шошилинч хулосалар чиқариш деҳқонга хос эмас, у ҳаётга ёндашишда ўзини ҳамиша босиқ тутади, ҳозирги кун ҳақиқати билангина яшамайди, кўпроқ истиқболга умид боғлайди. Соғлом, дуркун ниҳоллар ундириш учун эса уруғликни заминга тўғри ва вақтида қадаш керак...

Дарҳақиқат, шундай. Деҳқоннинг партия гояларига чексиз содиқлигини, ўзи учун ёруғ кунлар келишига ишончини фақат турмуш доноликлари билангина изоҳлаш соддадиллик бўлур эди. Сиёсий партиялар, уларга йўл кўрсатаётган раҳбарларнинг вазифаси халқнинг руҳиятини тўғри тушуниш, унинг туб манфаатларини илғай билиш ва шу асосда бунёдкорлик тадбирларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишдан иборат. Ўзбек деҳқонлари Ўзбекистон Компартияси съезди якунларини худди мана шу нуқтан назардан баҳоламоқдалар.

Съездда аграр мавзуда кўп гап-сўзлар бўлишига сабаб шуки, Ўзбекистон Компартияси, унинг Марказий Комитети мазкур йўнгинга қуруқ қўл билан келгани йўқ. Буни сиёсий куч-ғайратлар нишонга тўғри қаратилган, одамлар кайфиятига аниқ мувофиқлаштирилган ҳолат сифатида баҳоламоқ керак. Партиямиз Марказий Комитетининг янги раҳбарияти қишлоқдаги кескинликни юмшатиш, бинобарин, бутун жумҳуриятдаги вазиятни соғломлаштириш учун зудлик билан имкониятлар қидириб топди ҳамда таъсирчан чоралар кўрди. Энг аввало пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, тола ишлаб чиқариш топшириқларини барқарорлаштириш йўлида анча-мунча ишлар қилинганини таъкидлаб ўтиш керак. Шунинг натижасида бултур ва бу йил озиқ-овқат, озуқа экинлари учун кўпроқ майдон ажратиш имкони туғилди. Табиийки, бу тадбирнинг ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий самараси салмоқли бўлади. Жумҳурият Компартияси Марказий Комитети ва ҳукумати пахта, бошқа экиндар йиғими-терими учун қўшимча ҳақ тўлашни жорий этишга эришдилар. Утган йили бундай маблағ 500 миллион сўмни ташкил этди, амалдаги йилда эса яна тахминан икки баравар ўсади. Пахта, қишлоқ хўжалигининг бошқа хил маҳсулотлари нархларини қайта кўриб чиқиш масалалари ҳам қисман ҳал этилмоқда. Президент бошқаруви жорий этилгач, муҳтож оилаларга, беморлар, ҳомиладор аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш, бошланғич синфларнинг ўқувчиларини бепул овқатлантириш, ветеранларнинг пенсиялари ва имтиёзларини ошириш борасида аниқ тадбирлар кўрилди. Шунингдек, талабаларнинг баъзи тоифаларига қўшимча стипендия тўлаш жорий этилди. Қишлоқ жойларда шахсий ёрдамчи хўжаликлар юритиш ҳамда якка тартибда қурилиш олиб бориш учун ер майдонлари ажратиш ва кенгайтиришга қарор қилинганлиги гоят муҳим чора бўлди.

Мана шуларнинг ҳаммасини деҳқонларимиз миннатдорчилик билан кутиб олдилар, жумҳурият Компартияси янгича йўлининг ифодаси, қишлоқ оғизда эмас, амалда бунёдкорлик куч-ғайратларининг марказига қўйилишидир, деб билмоқдалар. Ўзбек тилига давлат мақоми берилиши, «Наврўз» байрамининг тикланиши, илгари ман қилиб қўйилган бир қатор халқ маросимларига йўл очилганлиги, Ўзбекистондан Совет Армияси қурилиш қисмларига чақирилган йигитларнинг ҳарбий хизмат қилиш тартиби ўзгартирилганлиги, яна бошқа кўплаб тадбирлар ҳам партиянинг обрўси ўсишига олиб келди.

Бугунги кунда қишлоқдаги маънавий-сиёсий вазиятда ижобий силжишлар кўзга ташланаётгани ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ аграр секторда ҳали ечимини кутаётган, жумҳурият ва иттифоқ миқёсидаги иқтисодий муаммоларнинг жуда кўп мураккаб тугунлари бор. Деҳқон ҳамиша ўзининг меҳнатсеварлиги билан машҳур бўлган. Бу ҳақда ўзгача фикр йўқ. Айни пайтда қуйидаги далиллар кишига ниҳоятда эриш туюлади: гўшт ва сутни, улардан тайёрланган озиқ-овқатни, тухумни ўзбекистонлик мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга нисбатан икки баравар кам истеъмол қилмоқда. Агар умуман СССР бўйича жон бошига даромади ойига 75 сўмдан кам бўлган аҳоли салмоғи 12 фоизни ташкил этса, бизнинг жумҳуриятимизда 45 фоиздан ортиқ. Бир миллионга яқин киши (асосан қишлоқ жойларда) ўзига иш тополмаяпти. Айни чоқда ўлкамизнинг аграр сектори мамлакатга жамики пахтанинг учдан икки қисмини, қорақўлнинг учдан бир қисмидан кўпроғини, пилланинг 60 фоизини, каноп, мева, узум, сабзавот ва полиз маҳсулотларини кўплаб етказиб бермоқда. Бундай зиддият қаердан келиб чиқдинима учун адолатсизлик рўй берди!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг съездга сиёсий маърузасида таъкидланганидек: «Иқтисодиётимиз бир ёқлама тарзда урхо-урларча хом ашё етиштирадиган ҳолга тушиб қолганини ва комплекс ривожланиш йўлига, аҳоли эҳтиёжларини қондиришга ўтказилмаганини қайд этишга тўғри келади». Съезд пахта яккаҳокимлигини яна бир бор кескин қоралади. У бизга юқоридан, зўрлаб (жумҳурият аввалги раҳбариятининг лом-мим демаслиги, баъзи ҳолларда эса ғаразли ниятдаги келишувчилиги туфайли), Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам, аҳолисининг ҳам манфаатларига зид равишда тиқиштирилган эди.

Мажбурий яккаҳокимлик бизга жуда кўп кулфатлар келтирди. Озиқ-овқат имкониятлари, энг аввало гўшт ва сут етиштириш камайиб кетди, илмий асосланган алмашлаб экиш бир чеккага суриб қўйилди, оқибатда ер ҳолдан тойди, сув ресурслари тинмай камайиб бормоқда, Орол ҳалокатга юз тутди, у бутун Ўрта Осиё ва Қозоғистоннинг жанубий ҳудуди учун фожиага айланди.

Съезд ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштиришга нотўғри ёндашишлар, халқ хўжалиги тузилишида йўл қўйилган жиддий номутаносибликлар хунук оқибатларга олиб келганини, бир қатор йирик халқ хўжалик муаммолари пайдо бўлганини, жумҳуриятда ижтимоий-иқтисодий кескинлик тобора ўсиб борганини алоҳида таъкидлаб ўтди. Сиёсий маърузада шундай таъкидланди: «Регионимиз тараққиётининг тарихий, оқилона мантиқни эътиборга олмай, буйруқбозлик-маъмуриятчилик усуллари тазйиқи остида шаклланган қарашларнинг ҳаммасига барҳам берилиши керак. Регионимиз тараққиётининг истиқболларига аввало жумҳурият аҳолисининг, ҳар бир кишининг нуқтан назаридан қарамоқ керак». Съезд делегатлари, ўлкамиздаги барча коммунистлар бу хулосани зўр қониқиш ҳис-туйғуси билан кутиб олдилар ва тўлатўкис қўллаб-қувватламоқдалар.

Жумҳурият Коммунистик партияси қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ жамики нарсалар аҳлга сиғадиган, халқ учун наф келтирадиган бўлишига эришиш йўлини танлади, пахта толаси ишлаб чиқаришни оқилона даражада камайтириш, бунда давлат буюртмасини қисқартириш вазифаси қўйилмоқда. Озиқ-овқат комплекси устун даражада ривожлантирилади. Қайта ишлаш саноати корхоналари қурилиши жадаллашади.

Қишлоқни ижтимоий қайта қуриш жумҳурият Компартияси олдида турган энг асосий вазифалар қаторига қўйилди. Ана шундагина қишлоқларимиз қашшоқликдан, турмуш ноқулайликларидан қутулади ҳамда ёшлар кўз ўнгида жозиба касб этади, бинобарин, қайта қуриш муваффақиятлари ҳақида, жумҳурият бутун аҳолисининг равнақи борасида гап юритиш мумкин бўлади.

Съезд партиянинг ўзини қайта қуришнинг муҳим босқичига якун ясади. Ўтган давр партия халқ тақдири учун ўз масъулиятини янада чуқур англаб етганлиги, ташкилотчилик ва марқуравий фаолиятни такомиллаштиришнинг мақбул йўл-йўриқлари ва воситаларини изчил излагаилиги билан изоҳланади.

Кўп партиявийлик пайдо бўлаётган, демократизм тобора мустаҳкам илдиз отаётган ҳозирги шароитда ҳаётнинг ҳамма соҳаларида КПСС сафларининг бирлиги ва жипслиги масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бунга эса соғлом, принципал негизда эришиш мумкин. Сиёсий йўналишни тўғри белгилаб олиш, халқ манфаатларига кўпроқ мос келадиган ечимларни топиш айниқса муҳим. Коммунистик партия ўз сафларининг мустаҳкамлигини сақлаб қолган тақдирдагина жамиятдаги етакчилик мавқеини бой бермайди, «сўл»дан ва «ўнг»дан бўлаётган ҳужумларни муносиб даражада қайтара олади.

Деҳқонларимиз ҳамиша партиянинг ишончли таянчи бўлиб келганлар. Бугун эса улар фақат Компартиягина жумҳуриятни ижтимоий-иқтисодий ўпирилишдан олиб чиқишга қодир ҳақиқий куч эканлигига тобора чуқур ишонч ҳосил қилмоқдалар. Съезд деҳқонларимизга янги куч, қувват, илҳом, орзу-умид бағишлади. Ўзбекистон коммунистлари олий анжуманининг энг муҳим якунларидан бири ана шудир.

ШОВУЛЛАЙДИ ОЛТИН БОШОҚЛАР

Абдукарим Отажонов ва Шавкат Худоёров бошқараётган комбайнлар ғаллазор четига келиб тўхтади. Бу ерда тележкалар шай туришарди. Бункерлардан ризқ-рўзимиз — дон оқиб туша бошлади.

Бригада бошлиғи Аҳмаджон Алиматов ва ижарачи Ҳасанбой Нурохунов бир-бирига қараб мамнун жилмайишди. Сабаби аён: ҳосил салмоғи ҳар қачонгидан юқори.

Бу аввалроқ маълум эди. Мавсумга пухта тайёргарлик кўрилди. Натижада қисқа вақт ичида 60 гектар майдондаги ҳосил ўриб-йиғиб олинди. Ҳар гектаридан 35 центнердан бошоқли дон янчилди.

Биз ҳикоя қилаётган ғаллакорлар Қува районидаги Калинин номли колхозда меҳнат қилишади. Бу йил хўжалик деҳқонлари 112 гектар ерда буғдой, 15 гектар майдонда арпа етиштиришди. Шу кунларда ўрим-йиғим тезкорлик билан олиб борилаяпти. Дастлабки кунларданоқ асосий эътибор нобудгарчиликнинг олдини олишга қаратилган. Бу юмушга колхоз партия ташкилотининг секретари Тоирбек Мамажонов ва бош инженер Зоиржон Шамшиев бош-қош. Ўрим-йиғимда қатнашаётганларга эса етарли шароит муҳайё. Ғолиблар ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирилмоқда.

Димитров номли колхоз ғаллазорларида ҳам меҳнат беллашуви авжида. Олтин бошоқлар шабадада денгиздек чайқалиб кўзни қувнатади. Комбайнларнинг овози борлиқни қамраб олгандай.

— Бу ерлар ижарачи Холматжон Қосимовга қарашли, — деди ҳамроҳимиз, бош агроном Комилжон Адҳамов 11 гектарлик ғаллазорга ишора қилиб. — Ишнинг ҳадисини олган у. Қаранг, 2 та комбайн дала четига етмасданоқ тўлаяпти.

Биз механизаторларни суҳбатга тортдик.

— Мен, — деди Ҳалимжон Полвонов, — бир неча йилдирки, комбайн рулини бошқараман. Бунақа ҳосилни авволлари кўрмаганман. Шунинг учун уни сира нобуд қилмай йиғиштириб олишга ҳаракат қиляпман. Мусобақадошим — Ҳусанбой Мамажонов. Биз кунига 14—16 гектар майдондаги ғаллани ўриб-йиғиб олишга эришмоқдамиз. Ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил йиғиштирилмоқда. Ҳайдаралі Усмонов бошлиқ звенода бу кўрсаткич 50 центнерни ташкил этаяпти.

Ғаллазорларни кезиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, ҳамма жойда иш намунали уюштирилган. Мусобақа кенг қулоч ёйдирилмоқда. Эгамберди Холибеков, Халил Тўпчиев каби шоферлар донни омборхонага ташишда намуна кўрсатаётган бўлсалар, Эгамберди Султонов, Бахтиёр Тожиматов, Ғайратали Султонов, Шоҳобиддин Жалилов, Нажмиддин Назардинов сингари механизаторлару тележкачилар сомонни тойлаб, сут-товар фермасига элтишда жонбозлик қилишаяпти.

Бу йил «Москва» колхозида 98 гектар майдонга буғдой, 28 гектарга арпа экилганди. Барча пайкалларда нафақат режани, балки мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил тўпланди. Ҳозир уни саранжомлаш жадал бормоқда. Комбайнчилар Исмоил Тўхтасинов ва Шокир Зокировнинг ҳар бири кунига 8—9 гектар майдонни қўлдан чиқармоқда. Бу юмушда, шунингдек, Иноммжон Йўлдошев, Шермат Рўзиев каби тележкачилар, Комилжон Қосимов, Ҳусанбой Ҳасанов, Қаюмжон Абдуллаев сингари механизаторлар ҳам пешқадамлик қилмоқдалар.

Жорий йилда район ғаллакорлари 975 гектар ерда буғдой, 221 гектарда арпадан мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлишди. Шу кеча-кундузда пайкалларда 22 та комбайн ишламоқда. Механизаторлар ўрим-йиғимни қисқа муддатда тугаллаш йўлида фидокорона тер тўкишаяпти.

А. ТЎХТАСИНОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати»нинг мухбири.

СУРАТДА: Димитров номли колхоз бош инженери Абдуллажон Жўраев (ўртада), комбайнчилар Ҳасанбой Ҳаракулов ва Ҳалимжон Полвонов.

Л. КИМ олган сурат.

СССР президенти КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВга

Ҳурматли Михаил Сергеевич!

Қирғизистон ССРнинг Ўш вилоятидаги маълум воқеалар муносабати билан Ўзбекистон ССРнинг шу вилоятга қўшни бўлган Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги вазият кескинлашиб бормоқда. Партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, шунингдек вилоятларнинг фаоллари ўтказаётган тушунтириш ишларига қарамай, чегара районларида вазият ҳамон кескин бўлиб турибди. Шуни назарда тутиш керакки, фақат Андижон вилоятининг бир ўзида 70 мингга яқин қирғиз яшайди. Ўш вилоятидаги воқеаларнинг республикаларо низога айланиб кетиш хавфи эҳтимолдан ҳоли эмас. Ўш шаҳридаги ва бутун Ўш вилоятидаги вазиятнинг тезроқ барқарорлашувигина аҳолини тинчлантирищи мумкин бўлур эди.

Мана шуларга асосланиб, иттифоқ даражасида зудлик билан қўшимча чоралар кўришни, региондаги вазиятни барқарорлаштириш учун Мудофаа министрлиги томонидан ёрдам берилишини сўраймиз. Масалани шу жойнинг ўзида ўрганиб, ҳал этиш учун регионга КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларидан бирининг ва бир қанча СССР халқ депутатларининг иштирокида регионга мўътабар комиссия юборилишини мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон ССР президенти,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 7 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ДАВЛАТ-КООПЕРАТИВ КОМИТЕТИДА

ҒОЛИБЛАРГА— АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистон ССР президентининг фармони билан колхозчилар ва совхоз ишчиларининг шахсий чорва молларини жамоат фонди ем-хашаги билан таъминлаш йўзда тутилган эди. Жумҳурият қишлоқ хўжалик давлат-кооператив комитети коллегияси ем-хашак тайёрлаш режаларини энг юқори даражада бажаришга эришган ва уларнинг шахсий хўжаликларга ўз вақтида ажратилишини таъминлаган колхозлар ва совхозлар коллективларини моддий рағбатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Қарорда ем-хашак тайёрлашга энг кўп ҳисса қўшган колхозчилар ва совхоз ишчиларини, хўжаликларнинг мутахассислари ва раҳбарларини мукофотлаш учун 36 та соврин белгиланди.

Ўн иккита биринчи ўринни олган ғолиблар 5000 сўм мукофот ва енгил автомобиль оладилар. 12 та иккинчи ўринга — уч минг сўмдан, ўн иккита учинчи ўринга— икки минг сўмдан мукофот берилади.

Хўжаликнинг ем-хашак барча турларини тайёрлаш режаларини энг юқори даражада бажариши, айни пайтда камида 90 фоиз биринчи класс ем-хашак етиштириши; жамоат подасини қиш даври учун ем-хашак билан тўла таъминлаш; Ўзбекистон ССР президенти фармонига мувофиқ хўжаликлар ходимлари шахсий чорва молларини ем-хашак билан таъминлаш мукофот берилишининг шартларидир.

Ем-хашак тайёрлаш якунлари ноябрь ойида чиқарилади.

(ЎзТАГ).

МУТАХАССИС МИНБАРИ

ЭКИН ҚАЛҚОНИ ҲОСИЛГА БАРАКА

Бу йилги баҳор сернамлиги билан олдингиларидан фарқланади. Март, апрель ойларида шу қадар кўп ёғин бўлдики, баъзи кунларда унинг миқдори ойлик меъёридан ошиб кетди. Бу эса тупроқда етарлича нам тўпланиши, аксарият майдонларда чигитни тупроқнинг ўз намида дуркун ва қийғос ундириб олиш имконини берди. Шу билан бирга бундай шароит аввойи ўтларнинг гуркираб ўсишига, ҳашаротларнинг кўпайишига ҳам қўл келди. Март ойида аввойи ўсимликларда, апрель-май ойларида эса пахта майдонлари ва сабзавот экинларида шира, тошкуя, ўргимчаккана пайдо бўлганлиги кузатилди. Боғларда олма қурти, тўғарак қуя, сўрувчи зараркунандалар тарқалди. Фарғона водийси, Хоразм, Тошкент, Сирдарё, Жиззах областларидаги қатор хўжаликларда фитономус беда ҳосилига жиддий зиён етказди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги экинларига колорада қўнғизи ва оққанот сингари зараркунандалар жиддий зарар етказа бошлади. Колорада қўнғизининг зарарини етарлича баҳоламаслик, агротехника даражасининг пастлиги, зарарланган ўчоқларни ўз вақтида аниқламаслик ҳамда лозим даражада кураш олиб бормаслик оқибатида ҳозир анча майдондаги картошка унга ем бўлаяпти. Айниқса Тошкент, Фарғона Сирдарё областлари хўжаликларида аҳвол ташвишли.

Оққанот ҳам энг хавфли ҳашаротлардан биридир. У икки юз хилдан зиёд ёввойи ва маданий ўсимликлардан озуқа олади, гоят тез кўпаяди, шароитга мослашувчан бўлганлиги туфайли республикамиз табиий иқлим муҳитида деярли йил бўйи ривожланади. Шароит қулай келган йилларда оққанот ўн беш мартагача авлод беради. Зарарланган ўсимликларда оққанотнинг барча босқичдаги авлодини учратиш мумкин. Бу эса муҳофаза тадбирларини амалга ошириши бирмунча мураккаблаштиради. Боз устига ҳозир республикада оққанотнинг ғўзага шикаст етказадиган тури ҳам пайдо бўлди. Хусусан, ўтган йили Хоразм области далаларида шундай ҳашарот тарқалганлиги кузатилди.

Ҳозир аксарият пайкаллар-да ғўзалар 5—6 чинбарг чиқарди, жанубий областларда эса шоналаді. Бундай пайтда экинларни кузатишни ташкил этиш, зараркунандалар ўчоғини аниқлаш ғоят муҳим. Район хабар бериш ва аниқлаш пункти мутахассислари ёрдамида хўжаликларда мавсумий кузатувчилар ишини пухта ташкил этиш, уларнинг ҳар бирига 100—150 гектар экинзорни бириктиш зарур. Зараркунандаларни мумкин қадар эртароқ аниқланиши ҳимоя тадбирларини уйғун ўтказиш имконини беради. Яъни зараркунандаларга қарши курашнинг биологик ва кимёвий усулларидан самарали фойдаланиш керак.

Июнь ойида шира, тошкуя, ўргимчакананинг оммавий кўпайиши тахмин қилинмоқда. Жорий йилда ғўза тунлами экинларга жиддий хавф туғдириши мумкин. Бу зараркуманда капалагининг ялпи учиш муддатини феромон тузоқлар ёрдамида бирмунча аниқ белгилаш мумкин. Ғўза тунламининг тухумлари топилганда трихограммалар учириш зарур. Уларни эрталаб ва кечки салқинда пайкалларга тарқатиш тавсия этилади. Ҳар гектар майдоннинг 50 нуқтасига фойдали ҳашаротлар бир текис қўйиб юборилади. Экинларни кичик ёшдаги қуртлардан ҳимоя қилишда дендробациллин ёки лепидоцид микробиопрепаратларидан фойдаланилади. Гектарига 0,7—1 килограмм доривор сарфланади. Тунламнинг катта ёшдаги қуртларига қарши курашда габробракон қўлланилади. Зараркунандаларнинг сони ҳаддан ташқари кўпайган (100 тун ўсимликка 10 тадан зиёд қурт тўғри келганда) тақдирда кимёвий дориворлар пуркаш тавсия этилади.

Ўсимликнинг ҳар 100 баргида 50 тадан шира пайдо бўлган кезларда тиллакўз учириш даркор, тошкуяга ҳам шу тарзда чора қўлланилади. Ўргимчакканага қарши эса олтингугурт доривори пуркаладі. Бу зараркунандага қарши оҳак-олтингугурт қайнатмасини қўлланиш натижасида бултур Самарқанд области хўжаликларида бошқа дори мутлақо ишлатилмади. Ширага қарши тамаки чангидан фойдаланиш борасида Ургут райони хўжаликлари тўплаган тажриба диққатга молик. Бундай ҳолларда фойдали ҳашаротларга зиён етказилмайди, атроф муҳитининг заҳардорилар билан ифлосланиши камаяди.

Ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситаларидан фойдаланишга фақат ҳашаротлар ҳаддан ташқари кўпайиб кетган жойлардагина рухсат этилади. Профилактика тадбирлари мақсадида заҳардоридан фойдаланиш сира мумкин эмас, афсуски, бундай ҳоллар республика хўжаликларида тез-тез учраб турибди.

Қишлоқ хўжалиги зараркунандаларининг турли заҳардориларга мослашиб олишини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Айниқса шира фосфорорганик дориворлар—БИ-58, антио ва бошқаларга жуда тез мослашиб қобилиятига эга. Уларга бу дориворлар 5—6 авлоддан сўнг сира таъсир этмай қолади. Сўрувчи зараркунандаларнинг заҳарли дориворларга мослашиб олишига йўл қўймаслик учун химиявий дориворлар таркибини тез-тез ўзгартириб туриш зарур.

Ғўзалар жуда ёшлигида химиявий ишлов бериш зарурати пайдо бўлса, дориворларни ПГС-3,6 ёки ПХГ-4 мосламалари ёрдамида лента тарзида сепиш мақсадга мувофиқ. Мосламалар барча областларда етарлича бор. Бу усул дориворларни тежаб-тергаб сарфлаш имконини беради, заҳардорининг қўшни пайкалларга, ўватларга, сув ҳавзаларига тушишининг олдини олади.

Июнь ойида айниқса сабзавот ва бошқа экинларда колорада қўнғизи ҳамда оққанотнинг пайдо бўлиши мумкин. Колорада қўнғизи тарқалган картошка майдонларида қўнғиз ва унинг личинкаларини қўлда терib олиш зарур. Иссиқхоналарда оққанотга қарши эса сариқ елимли тузоқлар ва трихопоруєдан фойдаланиш керак. Очиқ далада оққанотда қарши тавсия этилган дориворлар пуркалади. Заҳар дориларни қўллаш чоғида санитария қоидаларига қатъий риоя этиш, айниқса озиқ-овқат экинларига ишлов берилаётганда жуда эҳтиёт бўлиш керак.

Мевали дарахтлар ҳосилини сақлаб қолиш учун агросанитария, агротехника ва биологик усулларни ўзида мужассамлаштирган тадбирлар мажмуасини беками-кўст бажариш зарур. Олма, олхўри қурти, узумхўрга қарши феромон тузоқлардан кенг фойдаланиш тавсия этилади. Ҳашаротларнинг ривожланишини ҳамиша назорат қилиб бориш муҳим.

Ҳозир ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини зараркунандалар хуружидан пухта ва оқилона ҳимоя этиш, бунинг учун мумкин қадар камроқ харажат қилинишига эришиш асосий вазифадир. Экин қалқони қанчалик мустаҳкам бўлса, ҳосил шунчалик баракали бўлади.

А. УРКИНБОЕВ,
«Узсельхозхимия» республика ишлаб чиқариш-илмий бирлашмаси раиси.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ДАВЛАТ СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА МАСЪУЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ушбу қонун солиқларни ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ундириш, ҳисобларнинг тўғрилигини ва ана шу тўловлар тўланишини, шунингдек солиқ тўғрисидаги қонунларга риоя этилишини назорат қилишда давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулиятини белгилаб беради.

1-модда. Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари

1. СССР Молия министрлигининг бош давлат солиқ инспекциясига, иттифоқдош, автоном республикалар Молия министрликларининг давлат солиқ инспекцияларига, ўлкалар, областлар, автоном областлар, автоном округлар, районлар, шаҳарлар ва шаҳарлардаги районларнинг давлат солиқ инспекцияларига қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

а) министрликлар ва идораларда, давлат, кооператив ва жамоат корхоналарида, муассасалар ва ташкилотларда, шунингдек мулкнинг бошқа шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда, жумладан, совет ва чет эллик ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар иштирокидаги қўшма корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларда, СССР фуқаролари, хорижий фуқаролар ва фуқаролиги йўқ шахслардан (бундан кейин корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар деб аталади) солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ пул ҳужжатларини, бухгалтерия дафтарлари, ҳисоботлари, планлари, сметалари, декларациялари ва бошқа ҳужжатларни текшириш, текширувлар чоғида юзага келадиган масалалар юзасидан зарур изоҳлар, маълумотлар олиш;

б) текширилаётган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг фаолияти тўғрисида бошқа корхоналар, муассасалар, ташкилотлар (жумладан банклар ҳамда бошқа молия-бюджет муассасалари) ва фуқаролардан солиқ солиш учун зарур бўлган маълумотлар, ҳужжатлар ва уларнинг нусхаларини олиш;

в) ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида (тегишли қоидаларга риоя этган ҳолда) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда фуқароларнинг даромад олиш учун фойдаланиладиган ёки солиқ солинадиган объектларнинг сақланиши билан боғлиқ ҳар қандай ишлаб чиқариш, омбор, савдо ва бошқа биноларни, улар қаерда жойлашганлигидан қатъи назар текшириш. Фуқаролар давлат солиқ инспекцияларининг мансабдор шахсларини ана шу биноларни текширишларига йўл қўйишдан бош тортган тақдирда давлат солиқ инспекциялари ана шу шахслар оладиган даромад тўғрисида гувоҳлик берувчи ҳужжатлар асосида ва шундай фаолият билан шуғулланаётган шахсларга солиқ солишни ҳисобга олиб, олинадиган даромадни аниқлашга ҳақлидирлар;

г) текшириладиган корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан, шунингдек гражданлардан солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар тўғрисидаги қонунлар ҳамда якка тартибдаги меҳнат фаолияти тўғрисидаги қонунлар бузилишини бартараф этишни талаб қилиш ва ана шу қонунлар бажарилишини назорат этиш;

д) корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат солиқ инспекцияларига ва уларнинг мансабдор шахсларига солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботлари, баланслар, ҳисоб-китоблар, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик ёки уни белгиланган тартибда бузиб олиб борилганлиги учун, шунингдек солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловларни, ҳисоблаш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқ декларациялари, ҳисоботлари, ҳисоб-китоблари ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганлик ёки ўз вақтида тақдим этмаганлик учун солиқлар ёки бошқа мажбурий тўловларнинг 10 фоизи миқдорида жарима солиш;

и) солиқлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар юзасидан тўланмай қолган қарзларни, шунингдек ушбу банднинг «з» кичик бандида ҳамда ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган жарималарни корхоналар, муассасалар ва ташкилотлардан сўзсиз равишда ундириб олиш ва бошқа жазо чораларини кўриш, фуқаролардан эса суд орқали ундириб олиш;

к) корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва гражданлар ғайриқонуний йўл билан топган маблағларини, бошқа ҳолларда эса қонунда белгиланмаган асосларда топган маблағларини давлат даромадига ўтказиш тўғрисида ҳакамлик ва суд орқали даъво қилиш;

л) фойда (даромадни) яшириш(да (камайтириб кўрсатиш)да) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни яшириш(да (ҳисобга олмаганлик)да), шунингдек бухгалтерия ҳисоби олиб бормаганликда ёки уни белгиланган тартибни бузиб олиб борганликда ва бухгалтерия ҳисоботларини бузишда, солиқлар ва бюджетга бошқа тўловларни ҳисоблаш ва тўлаш билан боғлиқ бухгалтерия ҳисоботларини, баланслари, ҳисоб-китобларни, декларациялар ва бошқа ҳужжатларни тақдим этмаганликда, ўз вақтида тақдим этмаганликда ёхуд белгиланмаган шаклда тақдим этганликда айбдор бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахсларига 100 сўмдан 200 сўмгача, бир йил ичида қайта такрорланган шундай ҳаракатлар учун 200 сўмдан 300 сўмгача жарима солиш;

якка тартибдаги меҳнат билан шуғулланиш тартибини бузишда айбдор бўлган ёки махсус тақиқланган якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланаётган фуқароларга, шунингдек даромадларни ҳисобга олмасликда ёки уни белгиланган тартибни бузиб олиб боришда, даромадлар тўғрисидаги декларацияларни тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмасликда декларацияга нотўғри маълумотлар киритишда, шу жумладан ўн минг сўмликдан ортиқ иш бажариш учун ёки йигирма минг сўмликдан ортиқ қийматга эга бўлган уй (боғ ҳовли) қуриш учун олинаётган маблағ манбалари тўғрисидаги декларацияга нотўғри маълумотлар киритишда айбдор бўлган фуқароларга 50 сўмдан 100 сўмгача миқдорда, маъмурий жарима солинганидан кейин бир йил давомида такроран шундай ҳаракатлар қилганлик учун 200 сўмдан 300 сўмгача бўлган миқдорда маъмурий жарима солиш;

давлат солиқ инспекциялари ва улар мансабдор шахсларининг ушбу қонунининг «б» — «д» кичик бандларида санаб ўтилган талабларини бажармаган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларига 50 сўмдан 200 сўмгача, шунингдек фуқароларга 25 сўмдан 100 сўмгача маъмурий жарима солиш.

2. Давлат солиқ инспекцияларининг қонуннинг ушбу моддаси 1-бандидаги «а» — «ж» кичик бандларида кўзда тутилган ҳуқуқлари ана шу инспекцияларнинг мансабдор шахсларига, шу банднинг «з» — «л» кичик бандларида кўзда тутилган ҳуқуқлари эса фақат давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари ва уларнинг ўринбосарларига берилади.

3. СССР Молия министрлиги бош давлат солиқ инспекциясига иттифоқдош, автоном республикалар Молия министрликлари давлат солиқ инспекцияларининг қарорлари қонунга мос келмаган тақдирда уларнинг қарорларини, иттифоқдош, автоном республикалар Молия министрликларининг давлат солиқ инспекцияларига эса қуйи давлат солиқ инспекцияларининг қарорларини бекор қилиш ҳуқуқи берилади.

2-м о д д а. **Давлат солиқ инспекцияларининг вазифалари ва масъулияти**

Давлат солиқ инспекцияларининг мансабдор шахслари СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларига, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг қонунларига, бошқа норматив ҳужжатларга, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларига қатъий риоя этишга мажбурдирлар. Давлат солиқ инспекцияларининг мансабдор шахслари ўзларининг вазифаларини бажармаганликлари ёки муносиб тарзда бажармаганликлари учун амалдаги қонунларга мувофиқ интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар.

Давлат солиқ инспекциялари нотўғри ундирган солиқлар миқдори ва бошқа мажбурий тўловлар қайтарилиши, улар мансабдор шахсларининг нотўғри хатти-ҳаракати туфайли етказилган зарар эса ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида белгиланган тартибда тегишли бюджетлар маблағлари ҳисобидан тўланиши лозим.

3-м о д д а. **Давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатларидан шикоят қилиш**

Давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахсларининг хатти-ҳаракатлари хусусидаги ариза ва шикоятлар улар бевосита бўйсунган давлат солиқ инспекцияларига топширилади. Ариза ва шикоятлар тушган пайтидан бошлаб бир ой муддатдан кечиктирмай кўриб чиқилади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилинади. Ариза ва шикоятларга оид қарорлар юзасидан бир ой муддат ичида юқори давлат солиқ инспекциясига шикоят қилиниши мумкин. Фуқаролар қабул қилинган қарорга рози бўлмасалар, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан суд йўли билан шикоят қилиниши мумкин.

Ариза ва шикоятлар берилиши давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахсларининг шикоят қилинаётган хатти-ҳаракатларини тўхтатиб қўймайди.

Давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахсларининг маъмурий жазо бериш билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари юзасидан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг маъмурий ҳуқуқбузишлар тўғрисидаги қонунларига мувофиқ тарзда шикоят қилинади.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль,
1990 йил 21 май.

СССР Олий Советининг қарори

«Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида»ги СССР Қонунини кучга киритиш тартиби ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. «Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида»ги СССР Қонуни қонун қабул қилинган пайтдан бошлаб кучга киритилсин.

2. СССР Министрлар Совети:

1990 йилнинг 1 июлигача ССР Иттифоқи қонун ҳужжатларини давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштириш ҳақидаги таклифларни СССР Олий Совети муҳокамасига киритсин;

1990 йилнинг 1 июлигача СССР ҳукумати қарорларини «Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирсин, шунингдек давлат солиқ инспекциялари мансабдор шахсларининг ҳуқуқий ҳимояланишини кучайтириш тўғрисидаги таклифларни киритсин;

Давлат солиқ инспекциялари ишининг самарадорлигини таъминловчи ахборот системаларини вужудга келтиришга оид тадбирларни кўриб чиқсин.

3. Қонунлар «Давлат солиқ инспекцияларининг ҳуқуқлари, вазифалари ва масъулияти тўғрисида»ги СССР Қонунига мувофиқлаштирилгунига қадар молия органларининг ҳуқуқлари тўғрисидаги амалдаги қонунлар мазкур қонунга зид келмайдиган тарзда қўлланилади.

СССР Олий Советининг Раиси А. ЛУКЬЯНОВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 21 май.

ЛОЙИҲА

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Бирлашиш ҳуқуқи инсон ва фуқаронинг инсон ҳуқуқлари ялпи декларациясида эълон қилинган ҳамда СССР Конституциясида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларида мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқларининг ажралмас қисмидир. Фуқароларнинг ижодий ташаббусини ва сиёсий фаоллигини ривожлантиришдан, уларнинг давлат ва жамиятни идора қилишда иштирок этишидан манфаатдор бўлган Совет давлати СССР фуқароларининг жамоат бирлашмалари тузиш эркинлигига кафолат беради.

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Жамоат бирлашмаси тушунчаси

Жамоат бирлашмаси ўз аъзолари манфаатларининг муштараклиги асосида бирлашишга аҳд қилган фуқаролар ўз хоҳиш-иродасини эркин ва онгли изҳор этиши натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмадир. Жамоат бирлашмаларининг мақсадлари уларнинг уставларида (низомларида, бошқа ҳужжатларида) белгиланади.

Ушбу қонун асосида сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, шу жумладан халқ фронтлари, касаба уюшмалари, ҳотин-қизларнинг, ветеранлар ва ёшларнинг, болаларнинг ташкилотлари, кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, фондлар, бирикмалар ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари деб тан олинади.

Тижорат мақсадларини кўзлайдиган ёки бошқа корхона ва ташкилотларнинг фойда (даромад) ундириб олишга кўмаклашадиган кооператив ва бошқа ташкилотларга, диний ташкилотларга, территориал ижтимоий ўз-ўзини бошқариш органларига (микрорайонларнинг кенгашлари ва комитетларига, уй, кўча, маҳалла, қўрғон, қишлоқ комитетлари ва бошқаларга), жамоат ташаббускорлик органларига (халқ дружиналарига, ўртоқлик судлари ва бошқаларга) ушбу қонун амал қилмайди, уларнинг тузилиш ва фаолият тартиби қонунлар билан белгилаб қўйилади.

2-модда. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлар

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунлар жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий мавқеи асосларини белгилаб берадиган ушбу қонундан ва шу қонунга биноан чиқариладиган ССР Иттифоқи қонунларидан, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларидан, бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

3-модда. Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти мақсадлари

Жамоат бирлашмалари фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ва ташаббускорлигини ривожлантириш, фуқароларни давлат ва жамоат ишларини идора қилишда қатнаштириш; уларнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий-техникавий ва бадиий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-саломатлигини муҳофаза қилиш, хайрия фаолиятида қатнашиш; оммавий спорт ва жисмоний тарбия машғулотига жалб этиш; аҳоли орасида маданий-маърифий иш ўтказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш; халқаро алоқаларни кенгайтириш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш, қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Конституцион тузумни зўрлик билан ағдариш ёки ўзгартириш, СССР, иттифоқдош ва автоном республикалар территориясининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, ижтимоий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, жиноий жавобгарликка тортиладиган бошқа ҳаракатларни қилиш мақсадини кўзловчи жамоат бирлашмаларининг тузилишига ва уларнинг фаолиятига йўл қўйилмайди.

Аҳолининг сиҳат-саломатлигига ва маънавиятига, фуқароларнинг ҳуқуқларига ва қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларига тажовуз этадиган жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

4-модда. Жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти қоидалари

Барча жамоат бирлашмалари ўз дастурлари ва низомларида кўзда тутилган вазифаларни бажаришда СССР Конституцияси, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституциялари ҳамда совет қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида, ўз аъзоларининг (қатнашчиларининг) тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ҳамда ишлайди.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятидаги иштироки унинг ҳуқуқларини чеклаш учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти, шунингдек унга давлат томонидан бирон-бир имтиёз ва афзалликлар берилиши учун асос бўлиб хизмат қила олмайди. Расмий ҳужжатларда у ёки бу жамоат бирлашмасига аъзоликни кўрсатишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

5-модда. Давлат ва жамоат бирлашмалари

Давлат жамоат бирлашмаларининг ўз низомларидаги вазифаларни муваффақиятли бажариш учун шароит бўлишига кафолат беради.

Жамоат бирлашмаларининг манфаатларига дахлдор масалалар қонунларда кўзда тутилган ҳолларда давлат идоралари томонидан тегишли жамоат бирлашмаларининг иштирокида ёки улар билан келишиб ҳал этилади.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари жамоат бирлашмаларининг фаолиятига давлат идораларининг аралашувига, худди, шунингдек, давлат идораларининг фаолиятига жамоат бирлашмаларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

6-модда. Умумиттифоқ ва бошқа жамоат бирлашмалари

СССРда Умумиттифоқ, республика (иттифоқдош ва автоном республикалар), республикаларо ва маҳаллий жамоат бирлашмалари тузилади ва ҳаракат қилади.

Бирлашманинг характери ва Устав вазифаларидан келиб чиқиб фаолияти барча иттифоқдош республикаларнинг ёки кўпчилик иттифоқдош республикаларнинг территориясида олиб бориладиган ва ана шу республикалар ўз бўлинмалари бўлган бирлашмалар Умумиттифоқ жамоат бирлашмалари қаторига киради.

7-модда. Жамоат бирлашмаларининг уюшмалари

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида бирлашмалар уюшмасига бирлашишлари мумкин. Иттифоқ бирлашмалари уюшмасининг тузилиши ва фаолияти тартиби, уларнинг фаолияти тўхтатилиши тартиби ушбу қонунга мувофиқ белгилаб берилади.

2 БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ТУЗИЛИШИ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ТЎХТАТИЛИШИ

8-модда. Жамоат бирлашмаларининг муассислари

Жамоат бирлашмалари балоғат ёшига етган СССР фуқароларининг ташаббуси билан тузилади. 15 ёшга тўлган СССР фуқаролари ёшлар ташкилотларининг муассислари бўлишлари мумкин.

Камида бир минг кишидан иборат СССР фуқаролари Умумитифоқ сиёсий партиялари ёки касаба уюшмаларининг муассислари бўлишлари мумкин. Камида ўн кишидан иборат фуқаролар ўзга жамоат бирлашмаларининг муассислари бўлишлари мумкин.

Шунингдек, бошқа жамоат бирлашмалари ҳам жамоат бирлашмаларининг муассислари бўлишлари мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда Устав (Низом, ўзга ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар органлар тузилади.

9-модда. Жамоат бирлашмаларида аъзолик

СССР фуқаролари ижтимоий бирлашмаларнинг аъзолари (иштирокчилари) дирлар. Ижтимоий бирлашма Уставида унда чет эл фуқаролари ва фуқароликсиз шахслар аъзолиги кўзда тутилиши мумкин.

Оммавий ҳаракатлар якка тартибда қайд этиладиган аъзоларга эга бўлмайди.

Ижтимоий бирлашмаларнинг фаолиятида уларнинг Уставларида кўзда тутилган ҳолларда жамоа аъзолар: корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этадилар.

10-модда. Ижтимоий бирлашманинг Устави

Ижтимоий бирлашманинг Устави (Низоми, бошқа ҳужжати) қуйидагиларни кўзда тутиши лозим:

1) ижтимоий бирлашманинг номи ва мақсадлари;

2) жамоат бирлашмаси таркиби, у ўз фаолиятини олиб борадиган ҳудуд;

3) бирлашма қайд этиладиган аъзоликка эга бўлганда жамоат бирлашмасига аъзоларни қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

4) жамоат бирлашмаси аъзолари (иштирокчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;

5) жамоат бирлашмаси раҳбар органларининг ваколатлари ва бу органларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати, манзилгоҳи;

6) жамоат бирлашмаси маблағи ва бошқа мулкининг манбалари;

7) жамоат бирлашмаси Уставига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тартиби;

8) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Уставда жамоат бирлашмасини тузиш ва унинг фаолиятига тааллуқли ўзга қоидалар ҳам кўзда тутилиши мумкин.

11-модда. Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш

Жамоат бирлашмаларининг уставлари (низомлари, ўзга ҳужжатлари) рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмалари Уставини СССР Адлия министрлиги, бошқа жамоат бирлашмаларининг уставларини — иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Қонун ҳужжатларида ана шу вазифа зиммасига юклатилган давлат идоралари рўйхатга оладилар.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмаси Уставини рўйхатга олиш учун Устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида СССР Адлия министрлигига мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар органларининг камида уч аъзоси имзолаган ариза топширилади. Аризага Устав, уни қабул қилган таъсис съезди (конференцияси) ёки умумий йиғилиш протоколи, ушбу Қонунда кўзда тутилган талабларга риоя этилганлигини тасдиқловчи материаллар илова қилинади. Уставни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза шу ариза олинган кундан бошлаб икки ой муддатда кўриб чиқилади.

Бошқа жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тартиби ва муддатларини ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатлари белгилаб беради.

Жамоат бирлашмалари уставларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар Уставни рўйхатга олиш тартибида ва ўша муддатларда рўйхатга олиниши керак.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмаларнинг рўйхатларини тузиб борадилар.

Жамоат бирлашмаси Устави рўйхатга олинган кундан бошлаб, башарти унда қайд этиладиган якка аъзолик бўлмаса — унинг органи Устави рўйхатга олинган кундан бошлаб, фуқаролик қонунларга мувофиқ ҳуқуқий шахс, деб эътироф этилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси Уставини, унга кейинчалик киритилган ўзгартишлар ва қўшимчаларни рўйхатга олганлиги учун ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда рўйхатга олиш йиғимлари ундирилади.

12-модда. Жамоат бирлашмаси Уставини рўйхатга олишни рад этиш

Жамоат бирлашмаси Уставида СССР Конституциясига, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Конституцияларига, ушбу Қонунга ва бошқа қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлган тақдирда уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Уставни рўйхатдан ўтказиш рад этилган тақдирда аризачига бу ҳақда ёзма хабар қилинади, унда тақдим этилган Устав Қонунининг қайси қоидаларига зид бўлса ўша қоидалар кўрсатилади.

Умумиттифоқ жамоат бирлашмаси Уставини рўйхатга олишни рад этиш устидан СССР Олий судига бир ой муддатда шикоят қилиниши мумкин.

Бошқа жамоат бирлашмаларининг нишонларини уларнинг раҳбар органлари Уставга мувофиқ тасдиқлайдилар. Байроқлар ва байроқчалар СССР Министрлар Кенгаши, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Министрлар Кенгашлари белгилаб берадиган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

14-модда. Жамоат бирлашмалари фаолиятининг тўхтатилиши

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайтадан ташкил этиш (қўшиш, бирлаштириш, ажратиб юбориш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уларнинг съездлари (конференциялари) ёки умумий йиғилишлари қарорига биноан қайтадан ташкил этилади. Жамоат бирлашмалари қайта тузилганидан сўнг янги ташкил этилган бирлашмаларнинг уставлари ушбу Қонуннинг 11-моддасида белгилаб қўйилган тартибда рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси:

съезд (конференция) ёки умумий йиғилиш қарори билан;

ушбу Қонуннинг 21-моддасида кўзда тутилган асосларга кўра ва тартибда тугатилади.

Ўз фаолиятини тўхтатган жамоат бирлашмаси мулки агар Қонунда ўзга қоидалар кўзда тутилмаган бўлса, унинг Уставида назарда тутилган мақсадларда сарфланади.

3 БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ФАОЛИЯТИ ШАРТЛАРИ

15-модда. Жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқлари

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида кўзда тутилган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун, Қонунда кўзда тутилган тартибда, қуйидаги ҳуқуқлардан фойдаланадилар:

давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини тузишда иштирок этиш;

Қонун лойиҳаларини таклиф этиш;

давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари қарорларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (иштирокчилари) номидан иш юритиш ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

ушбу Қонунда ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг бошқа қонун ҳужжатларида кўзда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

16-модда. Бирлашмаларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти

Жамоат бирлашмалари Қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини амалга оширадилар ҳамда Уставдаги вазифаларни бажариш мақсадидагина корхоналар ва хўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятидан тушадиган даромадлар ана шу бирлашмаларнинг аъзолари (қатнашчилари) ўртасида қайта тақсимланиши мумкин эмас ва бу даромадлардан фақат Устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади.

Жамоат бирлашмалари ташкил этадиган корхоналар ва ташкилотлар Қонунда белгиланган тартибда ва миқдорда бюджетга тўловлар ўтказадилар.

17-модда. Жамоат бирлашмаларининг мулки

Жамоат бирлашмалари ўз биноси, иншоотлари, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, ашёлар ва анжомлар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мол-мулки, пул маблағлари, акциялар, бошқа қимматли қоғозлар ва ўз уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкка эга бўлишлари мумкин. Жамоат бирлашмаларининг ихтиёрида шу бирлашмаларнинг маблағлари ҳисобига уларнинг уставларида кўзда тутилган мақсадларга мувофиқ ташкил этиладиган корхоналар ҳам бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмаларининг пул маблағлари Уставда тўлаш кўзда тутилган бўлса, кириш ва аъзолик бадалларидан; ихтиёрий бадаллар ва хайриялардан; Уставга мувофиқ лекциялар, кўргазмалар, спорт тадбирлари ва бошқа хил тадбирлар, лотереялар ўтказишдан; ишлаб чиқариш-хўжалик ва нашриётчилик фаолиятидан олинадиган даромадлардан; Қонунда тақиқланмаган бошқа тушумлардан ташкил топади.

Уюшмалар ва уларга кирувчи бирлашмаларнинг ана шу уюшмаларга ва уларга кирувчи бирлашмаларга қарашли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишга оид ваколатлари бирлашмалар уюшмаларининг уставларида белгилаб берилади.

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонун ҳужжатларида давлат ва жамоат хавфсизлиги нуқтаи назаридан ёки СССРнинг халқаро шартномаларига мувофиқ жамоат бирлашмаларининг ихтиёрида бўлиши мумкин бўлмаган мол-мулк турлари белгилаб берилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари ўз уставларида белгиланган мақсадлар ва вазифаларга мувофиқ ҳамда қонунда белгиланадиган тартибда чет эллардан тушадиган пул маблағлари ва бошқа хил мол-мулкни олишлари мумкин.

Сиёсий мақсадларни кўзловчи сиёсий партиялар ва жамоат ҳаракатлари, чет эл ташкилотлари ва фуқарола-

(Давоми учинчи бетда).

ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

ридан молиявий ва бошқа хил моддий ёрдам олишга ҳақли эмасдирлар.

18-модда. Жамоат бирлашмаларининг оммавий ахборот воситалари ва нашриётчилик фаолияти

Жамоат бирлашмалари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунларига ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ва нашриётчилик фаолиятини амалга оширишга ҳақлидирлар.

4-БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ. ҚОНУННИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК

19-модда. Жамоат бирлашмаларининг фаолиятини кузатиб туриш ва назорат қилиш.

Жамоат бирлашмаларининг фаолиятида қонунчиликка риоя этилишини ССР Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар назорат қиладилар.

Молия органлари жамоат бирлашмаларининг молиявий фаолиятини назорат қиладилар. Жамоат бирлашмалари молия органларига бирлашмалар олган маблағларнинг манбалари ва миқдори тўғрисида маълумотлар бериб турадилар. Маблағларнинг манбалари ва миқдори тўғриснидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби ва муддатлари, шунингдек, жамоат бирлашмаларининг молиявий фаолиятини текшириш тартиби солиқлар тўғрисидаги қонунларда белгилаб берилади.

20-модда. Жавобгарлик асослари

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунларни бузиш ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ва бошқа хил жавобгарликка сабаб бўлади.

Давлат ва жамоат органларининг жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар жавобгарликка тортиладилар.

21-модда. Жамоат бирлашмаси Низом ёки Қонун талабларини бузган тақдирда уни тугатиш

Жамоат бирлашмаси ўз Низомида белгиланган мақсадлар ва вазифалар доирасидан чиқувчи хатти-ҳаракатлар содир этган тақдирда ушбу жамоат бирлашмаси огоҳлантирилиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси қуйидаги ҳолларда суднинг қарорига биноан тугатилади:

жамоат бирлашмаси мазкур Қонуннинг биринчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни такроран содир этганда, шунингдек, Қонун талабларини такроран бузганда;

жамоат бирлашмаси мазкур Қонун учинчи моддасининг иккинчи қисмида кўзда тутилган хатти-ҳаракатларни содир этганда.

Умумиттифоқ ва республикалараро жамоат бирлашмаларининг фаолияти прокурорнинг тақдимномасига, шунингдек, СССР қонунларида унинг учун ваколатли бўлган бошқа идораларнинг тақдимномасига биноан СССР Олий судининг қарорига кўра тўхтатиб қўйилади. СССР Олий судининг қарори чиқарилгунига қадар тегишли жамоат бирлашмаларининг фаолияти тўхтатиб қўйилади. СССР Олий судининг жамоат бирлашмасини тугатиш тўғрисидаги қарори юзасидан шикоят қабул қилинмайди.

Бошқа жамоат бирлашмаларининг фаолияти иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларида кўзда тутилган тартибда суд томонидан тўхтатиб қўйилади.

5-БОБ. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАРИ. ХАЛҚАРО ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ. ХАЛҚАРО ШАРТНОМАЛАР

22-модда. Жамоат бирлашмаларининг халқаро алоқалари

Жамоат бирлашмалари ўз низомларига мувофиқ халқаро жамоат (ноҳукумат) ташкилотларига киришлари, улар билан бевосита халқаро мулоқотлар ва алоқалар боғлашлари, тегишли битимлар тузишлари, шунингдек, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг халқаро мажбуриятларига зид келмайдиган тадбирларни амалга оширишда қатнашишлари мумкин.

23-модда. Халқаро жамоат бирлашмалари

Жамоат бирлашмасининг фаолияти Низомга мувофиқ СССР ҳудудида ва бир ёки ундан кўпроқ чет давлатда амалга оширилса, у халқаро бирлашма деб эътироф этилади. Халқаро жамоат бирлашмасининг Низоми ушбу Қонунга мувофиқ СССР Адлия министрлигида рўйхатга олиниши керак.

Агар халқаро жамоат бирлашмаси таркибига совет жамоат бирлашмаси коллектив аъзо сифатида кирса, унинг Низоми ҳам рўйхатдан ўтказилиши лозим.

СССРда рўйхатдан ўтказилган ва сўнгра ўз фаолиятини хорижий давлат ҳудудида амалга оширган жамоат бирлашмаси ўз Низомини қайта рўйхатдан ўтказиш учун зарур ўзгаришлар ва қўшимчалар билан СССР Адлия министрлигига тақдим этиши лозим.

24-модда. Халқаро шартномалар

Агар СССРнинг халқаро шартномасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги совет қонунларидагидан бошқачароқ қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

СССР Олий Советининг қарори
«Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳақида

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун лойиҳасининг асосий қоидалари биринчи муҳокамада маъқуллансин.

2. Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун лойиҳаси муҳокама учун матбуотда эълон қилинсин.

3. СССР Олий Советининг қонунчилик комитети қонун лойиҳасини муҳокама қилиш чоғида билдирилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириб, СССР Олий Совети Президиумининг шу масала юзасидан тузган комиссияси, СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ҳамда палаталарнинг доимий комиссиялари иштирокида СССР халқ депутатлари айтган ҳамда муҳокама чоғида тушган таклиф ва мулоҳазаларни эътиборга олиб қонун лойиҳасини қўшимча равишда пухта ишлаб чиқсин ҳамда пухта ишлаб чиқилган қонун лойиҳасини СССР Олий Совети муҳокамасига тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 30 май.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг ҚОНУНИ
ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА

ЛОЙИҲА

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. **Қонуннинг вазифалари**

Ушбу Қонун фуқароларнинг динга ўз муносабатларини, шунга мувофиқ равишда ўз эътиқодларини аниқлаб олиш ва ифодалаш, тўсқинликсиз динга эътиқод қилиш ва диний маросимларни адо этиш ҳуқуқларига, шунингдек, ижтимоий адолат ва тенгликка, фуқароларнинг динга муносабати қандайлигидан қатъи назар, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга кафолат беради ҳамда диний ташкилотларнинг фаолияти билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиб туради.

2-модда. **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунлар ушбу Қонундан ҳамда ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг шу Қонун асосида чиқарадиган қонунларидан иборат.

3-модда. **Виждон эркинлиги ҳуқуқи**

Ҳар бир фуқаро виждон эркинлиги ҳуқуқига мувофиқ динга муносабатини ўзи мустақил аниқлайди, ёлғиз ўзи ёки бошқалар билан биргаликда ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик, динга муносабати билан боғлиқ эътиқодини ифодалаш ва оммалаштиришга ҳақлидир.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз болаларини динга ўз муносабатларига мувофиқ равишда тарбиялашга ҳақлидирлар.

Фуқаро динга ўз муносабатини, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилишдан воз кечишни, номоз, диний урф-одатлар ва маросимларда, динни ўрганишда иштирок этиш ёки иштирок этмасликни аниқлаши чоғида ҳеч қандай мажбур этишга йўл қўйилмайди.

Виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишда фақат жамоат хавфсизлиги ва тартибини, саломатлик ва ахлоқни, шунингдек, бошқа фуқаролар ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган, қонунда белгилаб қўйилган ҳамда СССРнинг халқаро мажбуриятларига мос келадиган чеклашларгина амал қилиши мумкин.

4-модда. **Фуқароларнинг динга муносабатидан қатъи назар тенг ҳуқуқлилиги**

СССР фуқаролари динга муносабатидан қатъи назар, фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий турмушнинг ҳамма соҳаларида қонун олдида тенгдирлар. Расмий ҳужжатларда фуқаронинг динга муносабатини кўрсатишга йўл қўйилмайди, фуқаронинг ўзи шундай ҳоҳиш билдириши бундан мустасно.

Фуқароларнинг динга муносабатига қараб уларнинг ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита қандайдир чеклаб қўйиш ҳамда уларга қандайдир имтиёз бериш, худди, шунингдек, динга муносабати билан боғлиқ равишда нифоқ ва нафрат қўзғатиш ёки фуқаронинг туйғуларини ҳақоратлаш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга сабаб бўлади.

Ўз диний эътиқодини сабаб қилиб қонунда белгилаб қўйилган бурчларни бажаришдан ҳеч ким бўйин товлаши мумкин эмас. СССР қонунларида кўзда тутилган ҳоллардагина эътиқод сабабларига кўра бир вазифанинг иккинчиси билан алмаштирилишига йўл қўйилади.

5-модда. **Черковнинг (дин ва диний ташкилотларнинг) давлатдан ажратилиши**

Барча динлар ва диний эътиқодлар қонун олдида тенгдир. Бир дин ёки диний эътиқодга бошқаларга нисбатан қандайдир имтиёз ёки чеклов белгиланишига йўл қўйилмайди.

Давлат диний ташкилотлар зиммасига бирор давлат вазифасини юкламайди, диний ташкилотларнинг фаолияти қонунларга зид келмаса, унга аралашмайди. Давлат идоралари, ташкилотлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти номоз, диний урф-одатлар ва маросимлар билан бир вақтда амалга оширилиши мумкин эмас.

Диний ташкилотлар давлат вазифаларини бажармайди, сайловда, давлат идоралари ва сиёсий партиялар фаолиятида қатнашмайди, давлат қонунлари ва ҳуқуқ-тартиботга риоя қилади. Диний ташкилотлар жамоат турмушида, нопартиявий жамоат бирлашмалари фаолиятида иштирок этишга, оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишга ҳақлидир. Диний ташкилотларнинг аъзолари сиёсий турмушда шахсан иштирок этишга бошқа фуқаролар билан баравар ҳуқуққа эгадирлар.

Давлат динга эътиқод қилувчи ва эътиқод қилмайдиган фуқаролар ўртасида, турли диний эътиқодларга амал қилувчилар ўртасида, турли диний ташкилотлар ўртасида ўзаро сабр-тоқат ва ҳурмат муносабатлари ўрнатилишига кўмаклашади.

6-модда. **Мактабнинг диндан ажратилиши**

СССРда давлат маориф системаси диндан ажратилган: таълим дунёвий тусдадир. СССР фуқароларига уларнинг динга муносабатидан қатъи назар, таълимнинг хилма-хил турлари ва даражаларини эгаллашларига йўл қўйилади.

Фуқаролар хусусий тарзда диний таълимотни ўқитишлари ва ўзи танлаб олган тилда якка ўзи ёки бошқалар билан биргаликда, шу жумладан, уйда ва диний ташкилотлар ҳузурида диний таълим олишлари мумкин.

ВАРИАНТ: ушбу моддани қуйидаги учинчи қисм билан тўлдириш:

«Умумий таълим фанлари ўқитиладиган ўқув юртларида диний таълимотларнинг ўқитилишига йўл қўйилмайди».

II. СССРДАГИ ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

7-модда. **Диний ташкилотлар**

СССРдаги диний ташкилотлар диний жамиятлар, бошқармалар ва марказлар, монастирлар, диний ўқув юртлари, шунингдек, диний ташкилотлардан иборат бирлашмалардир.

Диний ташкилотлар ўз тузилмаларига мувофиқ ташкил этилади ва ҳаракат қилади, ўз Уставига (Низомига), шунингдек, ушбу Қонунининг 5-боби талабларига риоя этган ҳолда ўз ходимларини сайлайди, тайинлайди ва алмаштиради.

8-модда. **Диний жамият**

Диний жамиятни фуқаролар диний эътиқодни биргаликда амалга ошириш ҳамда ўзга диний эҳтиёжларни қаноатлантириш мақсадида тузадилар ва ихтиёрийлик асосида ҳаракат қиладилар.

Жамият тузилгани тўғрисида уни тузган фуқаролар шу жамият фаолияти амалга ошириладиган жойдаги халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетига ҳабар қиладилар.

Диний жамият ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олиши учун уни тузган фуқаролардан 18 ёшга тўлган камида ўн киши жамият фаолияти амалга ошириладиган жойдаги халқ депутатлари район (шаҳар) Совети ижроия комитетига жамият Устави (Низоми)ни илова қилиб ариза берадилар; ижроия комитети аризани бир ой муддатда кўриб чиқади ва Устав (Низом)ни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ҳуқуқий шахс ҳуқуқини олаётган диний жамият Устави (Низоми) фуқаролик тўғрисидаги Қонуннинг тегишли талабларига мос бўлиши лозим. Агар диний жамият ўзини қандайдир диний ташкилотга мансуб деб ҳисобласа бу унинг Уставида (Низомида) кўрсатилади ҳамда тегишли диний бошқарма ёки марказ томонидан тасдиқланади. Акс ҳолда халқ депутатлари маҳаллий Совети ижроия комитети масалани диния ишлари давлат идораси кўриб чиқиши учун топшириши мумкин, бу идора аризачиларга ва маҳаллий Совет ижроия комитетига ўз қарори ҳақида бир ой муддатда хабар қилади.

9-модда. **Диний марказлар ва бошқармалар**

Диний марказлар ва бошқармалар территориясида мазкур диний марказ ёки бошқарма тузилган ва ҳаракат қилаётган ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар диния ишлари давлат идораларида рўйхатга олинадиган Уставлар (Низомлар) асосида ҳаракат қиладилар.

Чет элларда раҳбарлик қилувчи маркази бўлган диний ташкилотлар ўз фаолиятларида уларнинг Уставлари (Низомлари)га, агар бундан совет қонунлари бузилмаса, амал қилишлари мумкин.

Давлатнинг диний марказлар ва бошқармалар, шу жумладан, чет эллардаги марказлар билан қонун орқали тартибга солинмаган муносабатлари давлат ва ана шу марказлар (бошқармалар) ўртасидаги аҳдномаларга мувофиқ ҳал этилади.

10-модда. **Монастирлар ва диний ўқув юртлари**

Диний марказлар ва бошқармалар монастирлар ва диний ўқув юртларни ташкил этишга ҳақлидирлар, улар территориясида мазкур монастирлар ва диний ўқув юртлари тузилган иттифоқдош, автоном республика давлат диния ишлари идоралари рўйхатга оладиган Уставлар (Низомлар) асосида ҳаракат қилади.

11-модда. **Диний ташкилотлар — ҳуқуқий шахслар**

Диний жамиятлар, бошқармалар ва марказлар, монастирлар, диний ўқув юртлари уларнинг Устави (Низоми) рўйхатга олинган пайтдан бошлаб ҳуқуқий шахслардир.

Диний ташкилотлар ҳуқуқий шахс сифатида қонунларга ва ўз Уставлари (Низомлари)га мувофиқ ҳуқуқга эга бўладилар ҳамда мажбуриятларни бажарадилар.

12-модда. **Диний ташкилот Устави (Низоми)ни рўйхатга олишни рад этиш**

Диний ташкилот Устави (Низоми) қонунларга зид бўлган тақдирдагина уни рўйхатга олиш рад этилиши мумкин.

Диний жамият ёки диний ташкилот Устави (Низоми)ни рўйхатга олишни рад этиш тўғрисидаги қарор аризачига рад этиш асослари кўрсатилиб, ёзма равишда юборилади. Бу қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

13-модда. **Диний ташкилотлар фаолиятининг тўхатилиши**

Диний ташкилотларнинг фаолияти уларнинг ўз йўл-йўриқларига мувофиқ ёки ушбу Қонуннинг, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларининг қоидалари бузилган тақдирда тўхатилиши мумкин.

Диний ташкилот фаолиятини тўхатиш тўғрисидаги қарорни унинг Устави (Низоми)ни рўйхатга олган идора қабул қилади. Бу қарор устидан судга шикоят қилиш мумкин.

III. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ МУЛКИЙ АҲВОЛИ

14-модда. **Давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар мулки ҳисобланган молмулкдан фойдаланиш**

Диний ташкилотлар ўз эҳтиёжлари учун давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар шартнома асосларида берадиган бинолар ва мол-мулкдан фойдаланишга ҳақлидирлар.

Халқ депутатлари маҳаллий Советлари ва давлат идоралари диний ташкилотларга саждагоҳ иморатларни ҳамда давлат мулки ҳисобланган бошқа мол-мулкни диний ташкилотларга мулк қилиб бериши ёки текин фойдаланиши учун топшириши мумкин.

Саждагоҳ иморатларни ва мол-мулкни диний ташкилотларга топшириш масаласи юзасидан қарорлар тегишли арзнома олинганидан сўнг узоғи билан бир ой муддат ичида қабул этилади ва шу билан бир вақтда аризачига бу ҳақда ёзма равишда маълум қилинади.

Тарих ва маданият ёдгорликлари ҳисобланган объектлар ва буюмларни диний ташкилотларга топшириш ва улардан фойдаланиш қонунларга мувофиқ амалга оширилади.

Диний ташкилотлар саждагоҳ бинолар ва атрофидаги территориялар ўзларига топширилишида афзал ҳуқуққа эгадирлар.

Диний ташкилотлар ерлардан ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар қонунларида белгиланган тартибда фойдаланадилар.

15-модда. **Диний ташкилотларнинг мулки**

Бинолар, дин билан боғлиқ буюмлар, ишлаб чиқариш, ижтимоий ва ҳайрия ишларига мўлжалланган объектлар, пул маблағлари ҳамда диний ташкилотлар фаолиятини таъминлаш учун зарур бўлган бошқа молмулк диний ташкилотларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ўз маблағлари, фуқароларнинг, ташкилотларнинг ионаси ҳисобига сотиб олинган ва барпо этилган ёки давлат томонидан берилган ҳамда қонунда кўзда тутилган бошқа асослар билан сотиб олинган мулкка эгалик қилишга ҳақлидирлар.

Чет эллардаги мол-мулк диний ташкилотларнинг мулки бўлиши мумкин.

Диний ташкилотлар ихтиёрий равишда молиявий ва бошқа ҳайрияларни сўраб мурожаат қилишга ва уларни олишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларга тушадиган молиявий ва мулкий хайриялардан, шунингдек, фуқаролардан пул тушумларининг ҳамма турларидан солиқ ундирилмайди.

16-модда. **Диний ташкилотларнинг ишлаб чиқариш-хўжалик фаолияти**

Диний ташкилотлар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига ва ўз Уставларига мувофиқ ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш, қишлоқ хўжалик корхоналарини, шунингдек, ҳуқуқий шахс ҳуқуқига эга бўлган хайрия муассасаларини таъсис этишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотларнинг мулки негизида амалга ошириладиган ишлаб чиқариш фаолиятидан келадиган даромадлар (фойда)дан, ана шу даромадларнинг хайрия мақсадлари учун ажратиладиган қисмидан ташқари, ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг қонунларига мувофиқ жамоат ташкилотлари учун белгилаб қўйилган тартибда солиқ ундирилади.

17-модда. **Ўз фаолиятини тўхтатган диний ташкилотлар мулкини тасарруф этиш**

Диний ташкилотлар ўз фаолиятини тўхтатганда кейин уларнинг фойдаланиши учун давлат, жамоат ташкилотлари ёки фуқаролар томонидан берилган мол-мулк олдинги эгасига қайтарилади.

Диний ташкилот фаолияти тўхтаган тақдирда у эгалик қилиб келган мол-мулкни шу ташкилот Устави (Низоми)га мувофиқ маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идоралари иштирокида тасарруф этилади.

Диний ташкилотларга тегишли дин билан боғлиқ бўлган мол-мулк қарз берувчиларнинг даъволарига мувофиқ ундириб олинмайди.

Ворислик ҳуқуқига эга шахслар бўлмаган тақдирда мол-мулк давлат мулки қаторига ўтади.

18-модда. **Диний ташкилотларнинг мол-мулкига эгалик қилиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш**

Диний ташкилотларнинг мулкий ҳуқуқларини қонун муҳофаза қилади.

Диний ташкилотлар давлат мулки ҳисобланган ва ўзларига берилган иморатлар ва бошқа мол-мулкни сақлаш ва ундан ўз вазифаси йўлида фойдаланишни таъминлашга мажбурдирлар.

IV. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА ФУҚАРОЛАРНИНГ ДИНИЙ ЭТИҚОД ЭРКИНЛИГИ БИЛАН БОҒЛИҚ ҲУҚУҚЛАРИ

19-модда. **Диний расм-русум ва маросимлар**

Диний ташкилотлар одамлар эркин кела оладиган ибодат ёки диний йиғилишлар жойларига, шунингдек, у ёки бу дин мўқаддас ҳисоблайдиган жойларга (тавоф жойларга) асос солиш ва сақлашга ҳақлидирлар.

Ибодат, диний расм-русумлар ва маросимлар ибодат қилинадиган бинолар ва унинг атрофидаги территорияларда, тавоф этиладиган жойларда, диний ташкилотларга қарашли муассасаларда, қабристонларда ва крематорийларда, фуқароларнинг квартиралари ва уйларида ҳеч қандай тўсқинликсиз ўтказилади.

Касалхоналарда, қариялар ва ногиронлар уйларида, дастлабки қамоқ жойларида ва жазони ўташ жойларида ибодатлар ва диний маросимлар улардаги фуқароларнинг илтимосига мувофиқ ўтказилади. Ана шу муассасаларнинг маъмурияти диния ходимларини таклиф этишда кўмаклашадилар, ибодат, расм-русум ёки маросимни ўтказиш вақтини ва бошқа шартларини аниқлашда иштирок этадилар.

Ўзга ҳолларда оммавий ибодатлар, диний расм-русум ва маросимлар митинглар, кўча юришлари ўтказиш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

20-модда. **Диний адабиёт ва диний маросимларда фойдаланиладиган буюмлар**

Фуқаролар ва диний ташкилотлар ўзи хоҳлаган тилдаги диний адабиётни, шунингдек, диний маросимларда фойдаланиладиган бошқа буюмлар ва материалларни сотиб олишга ва фойдаланишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар дин билан боғлиқ буюмларни, диний адабиётни ҳамда диний мазмундаги ўзга ахборот материалларини тайёрлаш, экспорт қилиш, импорт қилиш ва тарқатиш ҳуқуқига эгадирлар.

Диний ташкилотлар ибодатга доир адабиётлар ва диний маросимларда фойдаланиладиган буюмларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъсис этишда алоҳида ҳуқуқдан фойдаланадилар.

21-модда. **Хайрия фаолияти**

Диний ташкилотлар хайрия фаолиятини амалга оширишга ҳамда меҳр-мурувват ҳаракатида мустақил равишда, шунингдек, жамоат жамғармалари орқали иштирок этишга ҳақлидирлар.

Ана шу мақсадлар учун берилган хайриялар ва ажратмалар солиқ солинадиган даромаддан чиқариб юборилади.

22-модда. **Халқаро алоқалар ва мулоқотлар**

Фуқаролар ва диний ташкилотлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёки якка асосда халқаро алоқалар ва бевосита шахсий мулоқотлар ўрнатиш ва уларни сақлаб туришга, жумладан, тавоф қилиш, йиғилишларда ва бошқа диний тадбирларда қатнашиш учун чет мамлакатларга чиқишга ҳақлидирлар.

Диний ташкилотлар диний таълим олиш учун фуқароларни чет элга юборишлари мумкин.

V. ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ КОРХОНАЛАРДАГИ МЕҲНАТ ФАОЛИЯТИ

23-модда. **Диний ташкилотларда меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар**

Диний ташкилотлар фуқароларни ишга олишга ҳақлидирлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш ҳамда ходимлар, шу жумладан, дин ходимлари меҳнатининг бошқа шартлари диний ташкилот томонидан ходим билан битимга мувофиқ аниқланади ва меҳнат шартномасида кўрсатилади. Диний ташкилот белгиланган тартибда меҳнат шартномасини рўйхатдан ўтказишга ва белгиланган ажратмаларни ўтказишга мажбурдир.

Диний ташкилотларда меҳнат шартномаси асосида ишловчи фуқаролар касаба уюшмаларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

24-модда. **Диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқлари**

Меҳнат шартномаси асосида диний ташкилотларда ишлаётган фуқароларга нисбатан давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг ишчи ва хизматчилари билан баравар меҳнат қонунлари қўлланилади.

Фуқаролар, шу жумладан, дин ходимларининг диний ташкилотларда ишлашдан оладиган даромадларидан ишчилар ва хизматчилар учун белгилаб қўйилган ставкаларга мувофиқ солиқ ундирилади.

25-модда. **Диний ташкилотлар корхоналари ва муассасаларида фуқароларнинг меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқлари**

Диний ташкилотларнинг ишлаб чиқариш, таъмирлаш-қурилиш ва қишлоқ хўжалик корхоналарида, шунингдек, улар ташкил этган хайрия муассасаларида ишлаётган барча фуқароларга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар, солиқ солиш, ижтимоий суғурта ҳамда давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишчилари ва хизматчилари ижтимоий таъминоти тартиби амал қилади.

26-модда. **Диний ташкилотларда ишловчи фуқароларнинг ижтимоий таъминоти ва ижтимоий суғуртаси**

Диний ташкилотларда ишлайдиган фуқаролар, шу жумладан, дин ходимлари давлат ва жамоат корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари ишчилари ва хизматчилари билан баравар ижтимоий таъминланиши ва ижтимоий суғурта қилиниши лозим.

Шу мақсадда диний ташкилотлар СССРнинг давлат ижтимоий суғурта жамғармаси ва пенсия жамғармасига ўз даромадларидан СССР Министрлар Совети белгилаб қўйдиган тартибда ва миқдорда ажратма ўтказадилар.

Диний ташкилотларда ишлайдиган барча фуқароларга қонунларга мувофиқ умумий асосларда пенсия тайинланади ва тўланади.

VI. ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР

27-модда. **Диний ташкилотларда қонунларга риоя этилишини таъминлаш**

ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларига риоя этилишини халқ депутатлари Советлари ва бошқа давлат идоралари қонун билан ўзларига берилган ваколатларга мувофиқ таъминлайдилар.

28-модда. **Диния ишлари билан шуғулланувчи давлат идоралари**

ССР Иттифоқи диния ишлари давлат органини СССР Министрлар Совети тузади ва у СССР Министрлар Совети тасдиқлайдиган Низомга мувофиқ иш олиб боради.

Иттифоқдош ва автоном республикалар диния ишлари давлат органлари ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига мувофиқ тузилади ва ҳаракат қилади.

29-модда. **ССР диния ишлари давлат идорасининг ваколатлари**

ССР диния ишлари давлат идораси:

— иттифоқдош ва автоном республикалар диния ишлари давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштиради;

— ушбу Қонунда кўзда тутилган ҳолларда диний ташкилотларнинг Уставлари (Низомлари)ни кўриб чиқади ва рўйхатга олади;

— ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва уни бузиш ҳоллари аниқланган тақдирда мустақил равишда ёки тегишли давлат идоралари орқали уларни бартараф этиш чораларини кўради;

— диний ташкилотларнинг илтимосига мувофиқ давлат идоралари билан аҳдномаларга эришишда кўмаклашади ҳамда давлат идораларини қарорларини талаб қиладиган масалалар юзасидан зарур ёрдам беради;

— диний ташкилотлар билан мулоқотда СССР ҳукумати топшириғига мувофиқ унинг номидан иш юритади;

— СССР диния ишлари идораси худди шундай давлат идоралари ва чет эллардаги муассасалар билан алоқаларда СССР ҳукумати вакили сифатида қатнашади;

— турли диний ташкилотлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади;

— СССРдаги диний ташкилотлар ўртасидаги низоларни ҳал қилишда диний ташкилотларнинг розилиги билан давлат номидан қатнашади.

30-модда. **Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузганлик учун жавобгарлик**

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларни бузишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ва фуқаролар ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларида белгилаб қўйилган тарзда жавобгар бўладилар.

31-модда. **Халқаро шартномалар**

Агар ССР иштирок этаётган халқаро шартномада виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунларда баён этилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, у ҳолда халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

СССР Олий Советининг қарори
«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

СССР Олий Совети **қарор қилади:**

1. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг асосий қоидалари дастлабки муҳокамада маъқуллансин.

2. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси муҳокама учун матбуотда эълон қилинсин.

3. СССР Министрлар Совети Қонун лойиҳаси муҳокамаси давомида фуқароларнинг киритган таклифлари ва мулоҳазаларини умумлаштириб, материалларни Қонун лойиҳасини пухталаштириш комиссиясига 1990 йил 15 сентябргача тақдим этсин.

4. СССР Олий Советининг қонунчилик комитети СССР Олий Советининг бошқа комитетлари ва палаталарнинг доимий комиссиялари билан биргаликда СССР халқ депутатлари айтган ҳамда муҳокама давомида киритилган таклифлар ва мулоҳазаларни ҳисобга олиб, Қонун лойиҳасини пухта ишлаб чиқсин ва Қонуннинг пухта ишланган лойиҳасини СССР Олий Совети кўриб чиқиши учун тақдим этсин.

СССР Олий Советининг Раиси
А. ЛУКЬЯНОВ.
Москва, Кремль.
1990 йил 30 май.

Ҳар ҳафта шанба сонида

МУЙЧИННАК

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими Аббос МУҲИДДИН таҳрири остида

ШАМОЛГА УЧГАН НОЛА

Ёпирай! Ваъдабозлик ҳам нодир «истеъдод» эканини эндигина англаб ўтирибман-а. Қайта қуриш шарофати билан унинг илдизига болта урилса керак, деб ўйлагандим. «Ошкоралик», «юзма-юз мулоқот», «ўз-ўзини танқид» деган янги либосларни ваъдабозлар илиб кетишган экан. Бўлмаса қақраб ётган адир бағрида дилкушо боғлар барпо этиб, тонна-тонна мева, узум етиштираётган мирзакорлар сомбидек сарғайиб юришармиди. Бир товуққа ҳам дон, ҳам сув керак. Шўрлик боғбонлар эса сувнинг ўзини тўққиз йилдан бери кутишади-я!

Ленин районида «Ўзбекистон Компартияси XX съезди» узумчилик ва боғдорчилик совхози ташкил этилганда мева-чева ўзимиздан чиқадиган бўлди, деб ҳамма хушнуд бўлган. Инсоф билан айтганда, бунга асос бор эди. Заҳматкаш деҳқонларнинг машаққатли меҳнати билан 362 гектар мевазор, 433 гектар узумзор кучга кириб, ҳосил бера бошлади. Ўтган йили 2.117 тонна узум, 350 тонна мева етиштирилди. Элбурутдан «э-ҳа, боғбонларнинг пичоғи мой устида экан-ку», деб ўйламанг. Коса тагида ним коса бор. Сув муаммосини бир чеккага қўя турайликда, гапни аввалидан бошлайлик.

1981 йилда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети томонидан тасдиқланган давлат планида совхозни комплекс ривожлантириш истиқболлари белгиланган. Иккита хўжалик бирлашиб совхоз кенгайтирилгач, давлат плани қайта кўриб чиқиш учун Фарғонадаги лойиҳалаш институтига топширилди. Шу-шу ваъдабозлик касали авж олиб кетди. Уни қайта қуришнинг пўлат зирҳи ҳам тўхтата олмаётир. Хўжаликни социал-иқтисодий жиҳатдан тараққий эттириш ҳақида гап кўп-у, иш оз. Ўтган давр ичида 122 та уй-жой, қишлоқ хўжалик техникаси учун иккита бостирма, омборхона қурилди, холос. Мавжуд имкониятдан келиб чиқиладиган бўлса, бу дарёдан томчидир.

Хўжалик Асака адирлари бағрида барпо этилган. Зироат насослар ёрдамида сув ичади. Бу иш босқичма-босқич амалга оширилади. Бир қирдан иккинчисига сув узатиш осон дейсизми. Ерни ҳайдаш жараёнида ҳушёрлик қилинмаса, кўнгилсизлик юз бериши ҳеч гап эмас. Сугориш мураккаб. Оби ҳаёт ўз йўлини ўзгартирдими, тамом, бир зумда катта жарлик ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам доим кўз-қулоқ бўлиш лозим. Шароити мураккаб хўжаликнинг салкам минг нафар ишчиси бор. Улар боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик бригадаларида меҳнат қилишади. Бундай бригадалар оз эмас, 16 та. 200 нафарга етар-етмас ишчи адир бағрида уй-жой қуриб, муқим яшай бошлади. Қолганлари ҳалигача қатнаб ишлашаяпти. Қатнаганда ҳам қаерлардан денг —Хўжаободдан, Асакадан. Яқини ўн, узоғи 20—25 километр йўл босиб келади. Уларга нималарни ваъда қилишмаганди? Шиннам турар жой, ичимлик суви, табиий газ, мактаб, шифохона, ҳаммом, болалар боғчаси... Эҳ-ҳе, санайверсанг бармоқ етишмайди. Ҳолва деган билан оғиз чучимас экан. Ваъда қилинган қулайликлар қоғозда бор-у, амалда йўқ. Боши лўқиллаган боғбон қирма-қир ошиб, ё Асакага ёки «Андижон» нефть кони посёлкаси касалхонасига боришга мажбур. Сансалорликнинг охири кўринмаяпти. Хўжаликнинг социал-иқтисодий тараққиёти ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Ўн йилдан берн аҳвол шу. Область колхозлараро кенгаши маблағ ажратса қурилиш бўлади, ажратмаса йўқ. Одамлар бир илож қилиб яшашаяпти, ишлашаяпти. Улар ҳар қандай шароитда ҳам план да кўрсатилган мева билан узумни етиштириб беришлари шарт. Буни ҳамма талаб қилади. Аммо маданиймаиший шароитни яхшилаш билан ҳеч кимнинг иши йўқ. Область колхозлараро кенгашининг бош инженери К. Вошкин аввалига қурилиш ишларига ижозат берди. Кейинчалик лойиҳанинг янги таҳririни рўкач қилиб, сўзидан қайтди. Чўмич қўлида-да!

Область сув хўжалиги, ирригация ва мелиорация қурилиши трестлари адресига ҳам кўпгина эътирозлар билдирилаяпти. Улар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни сусткашлик билан адо этишмоқда. Совхозда қурилаётган иншоотларни фойдаланишга топшириш муддатлари чўзиб юборилаяпти. Баъзиларига ҳатто пойдевор ҳам қўйилмаган. Ўтган йили «Соҳибкор» ҳамда «Навбаҳор» посёлкалари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш кўзда тутилган эди. Бу иш ҳанузгача ниҳоясига етгани йўқ. 1989 йилнинг охирида фойдаланишга топширилиши лозим бўлган саккизта турар жой, иккита дала шийпони қурилиши тошбақа суръат билан олиб борилаяпти. Қачон тугалланиши номаълум. Адир йўлларининг аҳволи ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Совхоз директори Тиловолди Ёқубовнинг ичида ўт ёнаяпти. Дардини тинглайдиган одам йўқ. Ваъдабоз, қоғозбозлардан юраги безиллаб қолган. Район ҳамда область ижроия комитетларига, область колхозлараро кенгашига йўлланган ёзма мурожаат ва талабномалар қудуққа чўккан тошдек нишонсиз кетди.

Мухтасар хулоса шундай: асрлар давомида қақраб ётган дашт бағрида боғ-роғ яратиб, ризқу рўз ундираётган мирзакорларга эътибор ва ғамхўрлик зарур. Уларнинг жонбозлиги, фидойилиги туфайли хўжаликда иқтисодий самарадорлик ошиб бораяпти. Ўтган йилнинг ўзида 809 минг сўм соф фойда олинди. Бу янги ташкил этилган хўжалик учун юқори кўрсаткич. Жорий йилда соф фойдани 1 миллион 200 минг сўмга етказиш кўзда тутилаяпти.

Кекса боғбоннинг бир сўзи менн ҳамон ўйлантириб келади. Уни алам ва армон билан эслайман: «Ҳечқиси йўқ, бизга аталгани Асака адирларининг шамоли экан. Узумини ейишади-ю боғини ва боғбонини суриштиришмайди. Сўзимизни ҳеч ким тингламагандан кейин хуморбости қилиш учун арзимизни Асака шамолига айтиб ишлайверамиз».

Ташвишланманг, отахон! Шамол шамол-да. Бир кунмас бир кун у сизга ўхшаган қўли қадоқ мирзакорларнинг дарду ҳасратларини мутасаддиларга қулоғига етказса, ажаб эмас.

А. ҚОРАБОЕВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

ХАНДА

Байрамдан сўнг уч эркак ўзаро ҳасратлашиб қолишди.

— Хотинимга юз сўмлик рўмол совға қилгандим. Кўнгил учун раҳмат ҳам айтмади-я, — деди биринчиси.

— Э, сўраманг, — унинг гапини илиб кетди иккинчиси. — Таниш-билиш қилиб ҳинд жемфери олиб бердим. Қовоғини ҳам очмади.

— Мен бўлсам, бир сўмлик нарса билан хурсанд қилдим, — деди учинчиси.

— Нима совға қилгандингиз?

— Кир совун!

* * *

— Болам, бугун ҳам ишингга бормай қўя қол,— деди кампир неварасига. — Манга қараш...

— Иложи йўқ, бувижон! Бугун бормасам ҳайфсан беришади.

— Майли бепул бўлса қайтармай олавер!

А. БУЗРУКОВ.

* * *

— Дўстим, бошлиқ бўлганингдан буён ташвишинг ҳам кўпайгандир?

— Ҳечқиси йўқ, иш кўпаймаса бўлгани!

* * *

Гилос узатаётган бола дадасидан сўради:

— Чумчуқ чўқиганларини ҳам саватга қўшаверайми?

— Йўқ, уларни ўзимизга қолдир.

О. ҮСАРОВ.

КЕТДИ

МАШҲУР ИЧУВЧИ ТИЛИДАН

Менинг «алкаш» деган номим неча қишлоқ,
шаҳар кетди.
Магар билмам қачон кетди, шом кетдиму саҳар кетди.
Ароқни муттасил ичдим, соғлиғимга кафан бичдим,
Ошқозонга ҳар кун ками бир литр заҳар кетди.
Закускага пиёз ердим, ароқдан мен зўрман дердим,
Мағлуб бўлиб мен қолдим-у ароқ билан зафар кетди.
Юрдим ичиб ёқа вайрон, кўрганларни қилиб ҳайрон,
Шунча вақтлар чидаб-чидаб, хотин ҳам бир «сафар»
кетди.
Мендан доим қочди дўстлар, гапимни тингламай каслар,
Сўзларим заҳардан аччиқ, чун тилимдан шакар кетди.
Қилмишимдан акам ўсал, волидам ҳам бўлди касал,
Мени ўйлай-ўйлай, охир бу дунёдан падар кетди.
Деманг дилда сурур йўқдир, сенда асло ғурур йўқдир,
Инсонни инсон айлар ул—йигит учун суҳар кетди,
Энди ичишни ташладим, ҳаётни бошдан бошладим,
Афсус, ўтган шунча умр бефойда, бесамар кетди.

Қўчқор МАРДИЕВ.

Иштихон райони.



Кўҳна Хоразмда тарихий ва маданий ёдгорликлар кўп. Уларни асраш, таъмирлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар эса суст. Асрлардан асрларга ўтиб келаётган талай нодир обидалар ёрдамга муҳтож. Жумладан, Урганчдаги Юсуф Аҳмад ҳамда Шайх Нажмиддин ёдгорликлари (суратда) эътиборсизлик оқибатида нураб, емирилиб бораяпти. Шаҳар ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар уларга қачон қиё боқишаркин?!

Ж. ҚОЗОҚОВ олган сурат.

Насрий масаллар

УЗУН ТИЛ

— Нега тумшуғинг узуну тилинг калта? — деб сўраб қолишди бир куни Филдан.

— Тумшуқнинг узуни ошга етади, тилнинг узуни эса бошга, — жавоб қилди Фил.

ТОШКУМИР НИМА ДЕЙДИ?

— Э, бу қаттиқ тош-ку!

— Йўқ, кўмирман. Ташқи кўринишимга қараб хулоса чиқаришга шошилманглар. Нималигимни билмоқчи бўлсангиз, марҳамат, мени ўтга солиб кўринг. Ўшанда биласизқўясиз.

УСМА ВА СУРМА

— Парпираган қоп-қора қошни кўрдингми, бу — менинг ишим, — деди Усма.

— Чарақлаган қуралай кўзни кўрдингми, бу — менинг ишим, — деди Сурма.

Гўзалликка гўзаллик қўшувчилар ўз ишидан беҳад мамнун эдилар.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.

• Диққат: янги журнал!

САЛОМАТЛИК КЎЗГУСИ

Ўзбекистонда нашр этиладиган жаридалар сони яна биттага ортди. Шу йил май ойида республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ойлик илмий-оммабоп, безакли «Сиҳат-саломатлик» журналининг биринчи сони босмадан чиқди. Тиббиётнинг кўҳна тарихию халқ табобатининг тажрибалари, жаҳон ва иттифоқ тиббиёти инсон умрини узайтириш, бедаво дейилган касалликлар олдини олиш усуллари, шифокорларимизнинг эзгу йўлда қилаётган ишлари, кашфиётлари ҳақида ҳикоя қилиб бориш журналнинг асосий мақсади экани муштарийларга бахшида каломда таъкидлаб ўтилган.

Шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, турар-жой ва атроф муҳитини покиза сақлашни таъминлаш, ҳозирги кўп тарқалган айрим хасталиклар олдини олиш борасидаги ишларни кенг ёритиш, журналхонларни тиббиёт хазинаси дурдоналаридан баҳраманд этиш, тарихда яхши ном ва ўлмас мерос қолдирган ҳакиму ҳукамолар билан таништириш ҳам жарида олдида турган муҳим вазифалардир.

«Сиҳат-саломатлик» дунёга келиши муносабати билан академик Е. И. Чазов, «Здоровье» журналидан Ю. Белянчикова, Ўзбекистон халқ шоирлари Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, «Шарқ юлдузи» журнали бош муҳаррири Ўткир Ҳошимов ва бошқалар йўллаган табрикларда янги нашр ижодкорларига эзгу ниятлар билдирилган.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш вазири С. Баҳромовнинг «Халқ соғлиғи — юрт бойлиги» мақоласи жумҳуриятимиздаги табобат ишларининг таҳлилига бағишланган. Профессор А. Қодиров ва тиббиёт фанлари номзоди А. Усмонхўжаев шарқ табобати намояндалари ҳақидаги мақоласи «Тарих гувоҳ» рубрикаси остида берилган. Муҳтарама Муҳаммаджон қизининг «Алла сеҳри», М. Муслимовнинг «Шифобахш шарбатлар», профессорлар Н. Мажидовнинг «Асллик боиси наслдан», Т. Даминовнинг «Чақалоқ туғилди» мақолалари журналхонлар диққатини ўзига тортади. Ш. Шоваҳобов «Маккор касаллик» деб номланган маслаҳатида грипп ҳақида ҳикоя қилган.

Нега хуррак тортасиз? Бу касалликми ёки шунчаки одатми? Шу саволга Ш. Шомансуров мақоласидан жавоб топиш мумкин. «Чораси борми?» рубрикаси остида берилган материаллар ҳам журналхонда қизиқиш уйғотишига ишонамиз.

«Кулги — шифо» деб аталган саҳифада таниқли ҳажвчи Олим Қўчқорбековнинг «Шундай дори қайда сотилади?» сарлавҳали воқеий ҳикояси, тиббиётга доир юморлар берилган.

Редакция муштарийларга бир неча савол билан мурожаат қилган. Саволларнинг қай бирига, қай йўсинда жавоб бериш ихтиёрий. Лекин жавоб қисқа, аниқ, айни пайтда асосли бўлиши шарт. Мақсад даволашдаги қусурларни тузатиш, шифокорларнинг касби ва вазифасига совуққонлик билан қараш ҳолларига барҳам бериш, муайян муаммоларни ҳал этиш учун кучларни бирлаштиришдан иборат.

Журналда Амир Ҳусрав Деҳлавий, Саъдий Шерозий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абдурраҳмон Жомий сингари алломларнинг табобат ҳақидаги ҳикматли сўзлари ҳам берилган.

«Сиҳат-саломатлик» лафақат тиббиёт олами, балки саломат бўлишни истаган барча кишиларнинг севимли журналига айланишини истаймиз.

О. НОДИРОВ.

БАРХАНЛАРДА БАХТ БОР, ТАШВИШ БОР

Китоб жавонингизга

Халқимизнинг оғирини енгил қилиш учун туну кун фидокорона меҳнат билан банд бўлган, ўзининг омилкорлиги, истеъдоди, илм ва тажрибасини шу мақсадларга сафарбар этган инсонларни тарғиб этаётган, улар эришган ютуқлар сирини кенг жамоатчиликка етказаётган журналистлар ўткинчи шуҳрат, даврнинг алдамчи шамолларига асир бўлмайдилар. Ана шундайлардан бири Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими, СССР Ёзувчилар уюшмаси аъзоси Ҳамдам Эшонқуловдир. Муаллифнинг «Меҳнат» нашриёти чоп этган «Яйлов ташвишлари» китоби оддий меҳнат кишиларининг ҳаёти, юртимиз, элимиз бахт-саодати йўлидаги фидойи ишларига бағишланган.

Муаллифнинг бутун онгли ҳаёти, мухбирлик фаолияти жумҳуриятимизнинг азалдан чорвачилик ривож топган вилоятида кечяпти. У Қизилқум воҳаси чўпонларининг доимий ҳамроҳи, яйлов заҳматкашларининг ёруғ кунларига ҳам, ташвишли дамларига ҳам ҳамма вақт шерик. Ёзувчи бу китобида ўзи яхши таниган, фаолиятидан хабардор кишилар, уларнинг оддий, бироқ ибратли меҳнатлари, ҳаёти, ўтмиши ва бугуни кундаги умидлари, қийинчиликлари ҳақида ҳикоя қилади.

Китобдаги «Оқ тонглар» ва «Ғозғон юлдузи» очеркларида чорвачилик совхозининг раҳбари ва оддий чўпон ҳақида ҳикоя қилинади. Қўйчилик соҳасида қатор йиллар ютуқларга эришиб келаётган «Қизилча» совхози ҳаётидан олинган ранг-баранг манзаралар орқали хўжалик раҳбарининг одамлар билан муомала муносабати, ғамхўрлиги, қатъияти ва талабчанлиги ортиқча таъриф-тавсифларсиз, табиий ва самимий кўрсатилади. Худди шундай самимий тасвир, чуқур таҳлил «Ғозғон юлдузи» очеркига ҳам ғоявий уйғунлик бағишлаган. Асар қаҳрамони, донгдор чўпон Шабон Очилованн биз мажлисда, оиласида, яйловда — хуллас, оддий меҳнаткашнинг тиниб-тинчимас турмуш ташвишлари доирасида кўрамиз...

Ҳамдам Эшонқулов ўз қаҳрамонларининг меҳнат фаолиятларини тасвирлашда факт ва рақамларни келтириш йўлидан бормайди. Аксинча жонли манзара тасвирида бизни яйловларда яшаб, ишлаб юрган чорвадорларнинг хонадонига, фермаларига, ҳамкасблари даврасига олиб киради, улар билан таништиради, ташвишларига, қувончларига шерик қилади. Биз китобни ўқиш жараёнида бу инсонларни кўнглимизга яқин оламиз, севиб қоламиз.

Тўпламдаги «Сурув қўнғироғи», «Ота ва ўғиллар», «Яйлов ва одамлар» ҳамда «Бархандаги марварид» очеркларида эл-юртимизга меҳнати билан танилган нуроталик илғор чўпонлар, миришкорлар, отлиқлар Чўли Хўжақулов, Худойберди Назаров, Омонилла Иброҳимов ва бошқаларнинг жонли қиёфалари яратилган. Уларнинг барчасини битта ташвиш-яйлов ташвиши, унинг бугуни ва эртаси бирлаштириб туради. Биз очеркларда, қаҳрамонининг болалиги, ўсмирлиги ва ёшлик даври ҳақидаги мухтасар ҳикояларни, турмушларида кечган оғир кунлар ҳақидаги таъсирчан лавҳаларни ўқиганда беихтиёр муаллифнинг ҳаётдаги ҳодисаларга фақат мухбир кўзи билан эмас, балки ёзувчи назари билан қараганига гувоҳ бўламиз.

Китобдан жой олган «Тоштарошлар», «Ирода ва ихлос», «Оқ, оппоқ» сарлавҳали очерклар эса Ғозғон мармар кони, у ерда меҳнат қилаётган ишчилар, мармар кони билан боғлиқ муаммолар ҳақида. Биз бу лавҳаларни ўқиб, умуман Ўзбекистонда тоштарошлик XII—XIII асрлардаёқ мавжуд бўлгани, Самарқандаги машҳур қадимий масжидлар, Бухородаги «Чор бакир» ансамбли, Шайбонийлар даҳмаси сангтарошликнинг олий намуналари эканидан хабардор бўламиз.

Китобда инқилобий тарихимиз билан боғлиқ лавҳалар ҳам бор. Хусусан, «Битовтоғ беги», «Яна озгина мозийга қайтамиз», «Тобланиш» каби асарлар ўзига хос таассурот қолдиради.

Қадимий Нурота ва нуроталиклернинг кечаги куни, бугуни ва эртаси билан боғлиқ ташвишлар ёзувчининг ўз ташвиши экани, унинг қалами шу тараддудлар, безовталиклар ичра тобланиб бораётгани бизни қувонтиради.

А. ОТАБОЕВ.

ФУТБОЛ

ОЛТИНЧИ ҒАЛАБА

Мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида навбатдаги учрашувлар бўлиб ўтди. Бу сафар айниқса майдон эгалари муваффақиятли қатнашиб, етти матчнинг олтитасида ғалаба қозондилар. Фақат бир ўйинда меҳмонларнинг қўли баланд келди. Дарвозаларга киритилган 16 та тўпнинг 13 таси ҳам мезбонлар ҳисобига ёзилди.

Таъкидлаш жоизки, бу йилги мавсумда Валерий Газаев устозлик қилаётган Владикавказнинг (илгариги Оржоникидзе) «Спартак» командаси мухлислар эътиборини қозонмоқда. Спартакчилар нафақат ўз майдонларида, балки сафарда ҳам ҳужумкор ўйин намойиш этаяптилар. Бу аҳил коллектив ўтган турда ўйинлар жадвалида ўзини таъқиб этиб келаётган Ставрополь динамочиларининг меҳмони бўлиб, рақиблари дарвозасига жавобсиз учта тўп йўллади. Бу ютуқдан сўнг владикавказлик футболчилар тўплаган очколар 19 тага етди. Ўйинлар жадвалида якка пешқадамлик қилаётган «Спартак» тўплар нисбатига кўра ҳам энг яхши натижага (26—5) эга.

Ҳа, биринчи лигада келаси йили кучлилар сафида ишқирок этиш ҳуқуқини берадиган тўрт йўлланма учун кураш борган сайин кескин тус олаётир. Ҳозир камида ўн командада шундай имконият бор.

Сафардаги уч матчда тўрт очко қўлга киритган «Пахтакор» ўтган турда Ярославлнинг «Шинник» командасини қабул қилди. Учрашув пахтакорчиларнинг тўла устунлигида ўтди. Ҳисобни 59-минутда биринчи лигада тўпурарлар рўйҳатига карвонбошилик қилаётган Игорь Шквирин очди. Бу билан у ўз ҳисобидаги тўплар сонини 11 тага етказди. Сўнгра Азамат Абдураимов ўзини кўрсатиб, меҳмонларни ўйинни яна икки маротаба майдон марказидан бошлашга мажбур этди. Пировардида 3:0 ҳисобида ғалаба қозонган «Пахтакор» жамғармасидаги очколарни 15 тага етказиб, ўйинлар жадвалида икки погона (еттинчидан бешинчигача) кўтарилди.

«Металлург» навбатдаги ютуққа эришди. Тираспол шаҳрининг «Тирас» коллективини қабул қилган запорожьелик футболчилар меҳмонлар дарвозасига жавобсиз иккита тўп йўлладилар. Ана шундай ҳисоб Олмаотада ҳам қайд этилди. Маҳаллий «Қайрат» Тюменнинг «Геолог» коллективидан устун келди —2:0.

Бошқа учрашувлар қуйидаги натижаларни берди: «Зенит» (Ленинград) — «Динамо» (Сухуми) — 2:0, «Нефтчи» (Боку) — «Кубань» (Краснодар) — 3:0, «Ростсельмаш» (Ростов) — «Котайк» (Абовян) —1:0.

ЎЙИНЛАР ЖАДВАЛИ

	Ў	Т	О
«Спартак»	12	26-5	19
«Динамо» Ст	13	19-15	17
«Металлург»	12	12-3	17
«Локомотив»	10	13-5	15
«Пахтакор»	12	19-15	15
«Қайрат»	13	17-12	15
«Шинник»	13	16-11	15
«Нефтчи»	11	18-13	12
«Геолог»	12	10-12	12
«Факел»	11	13-11	11
«Зенит»	10	10-9	11
«Ростсельмаш»	13	13-20	11
«Котайк»	12	10-9	11
«Таврия»	10	3-4	9
«Динамо» Сх	9	3-5	8
«Локомотив» Г	11	7-14	8
«Тирас»	11	6-14	8
«Днстру»	11	11-19	8
«Кубань»	11	3-20	4
«Кузбасс»	11	4-16	2

«Пахтакор» галдаги учрашувни 10 июнда ўтказади. Шу куни футболчиларимиз Тюменнинг «Геолог» командасини қабул қиладилар.

Ф. ИСАЕВ,
И. АЛИМОВ.

Муҳаррир
А. F. МУХТОРОВ.

ОЙНАИ ЖАҲОНДА

10 ИЮНЬ, ЯКШАНБА

● ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув.

10.00 «Пазанда». Бадиий фильм («Мосфильм»).

11.05 Спорт кўрсатувлари: 1. Ёш спортчилар мактаби. Кураш. 2. Сузиш. Жумҳурият чемпионати.

12.10 «Ота-оналар университети».

12.40 Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ўқитувчи ва студентларининг концерти.

13.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Яшил чироқ».

14.20 Пахтакорларнинг долзарб вазифалари.

14.50 «Алифбо сабоқлари» (такрор.).

* * *

17.10 Кўрсатувлар тартиби.

17.15 «Қўшиғим, жон қўшиғим». Фарғона ноҳияси болалар бадиий коллективларининг чиқиши.

18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Геолог» (Тюмень). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус тилида).

19.50 Катталар учун мультфильм. «Туррапута ҳокими».

20.00 Москва. «Время».

20.30 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Munoжот Йўлчиева куйлайди.

21.30 Долзарб мавзу.

22.00 «Ахборот».

22.20 «Театр ва замон». Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Саид Аҳмад таваллудининг 70 йиллигига бағишланади.

23.20 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапада». Мусиқий ахборот.

10.05 «Ҳар бир кишига ва барчага». Реклама.

10.15 «Китобчанинг викторинаси».

10.55 Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган кинопрограмма.

11.55 «Тўртинчи ким». Бадиий фильм.

* * *

17.45 Кўрсатувлар тартиби.

17.50 «Капитан Грантни излаб». Етти серияли телевизион бадиий фильм. 1 ва 2-сериялар.

20.00 Москва. «Время».

20.30 «Гулшан» эстрада оркестрининг концерти.

21.10 «Санъат усталари». Тожикистон ССР халқ артисти Хайри Назарова.

22.00 «Ҳафта». Информацион программа.

22.30 «Шарқ юлдузлари». Ҳангома (Афғонистон).

24.00 «Телетомошабин ҳамроҳи».

● МТ I

7.30 Спорт ҳамма учун.

7.45 Ритмик гимнастика.

8.15 «Спортлото» тиражи.

8.30 «Эрта саҳарлаб».

9.30 «Ватан хизматида».

10.30 «Блиц». Тонгги дам олиш программаси.

11.00 «Дунё бўйлаб».

12.00 «Здоровье».

12.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама.

14.00 «Экологик бумеранг». Усмирлар учун публицистик программа.

15.15 «Педагогика ҳамма учун».

16.15 Евгений Нестеренко ҳамда СССР Давлат телерадиоси рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.

18.00 «Қувноқ карусель». Мультфильм. 1-сони.

18.10 «Шаҳар чеккасидаги касалхона». Йигирма серияли телевизион бадиий фильм. 12 ва 13-сериялар.

20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати.

20.30 «Абадият ҳақида ўйлар». Якшанба ўгитлари.

20.40 П. И. Чайковский. «Оққуш кўли». ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театрининг спектакли.

23.05 «Каспий денгизига қўйилади». Телевизион ҳужжатли фильм.

23.35 «Александр Малининнинг зиёфати».

00.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бразилия — Швеция терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

● МТ II

7.35 Зарядкага сафланинг!

7.45 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. «Халқ манфаати ва фаровонлиги учун». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Минск).

8.15 Футбол. Жаҳон чемпионати. Бирлашган Араб амирлиги — Колумбия терма командалари. Италиядан кўрсатилади.

9.15 «Шахсий ҳаёт». Бадиий фильм, субтитр билан («Мосфильм»).

10.55 «Биз билан бирга, худди биздек, биздан ҳам яхшироқ бажар».

11.55 «Қойил, Альбер Лолиш». Бадиий фильм («Грузия-фильм»).

13.30 «Она-замин ташвишида» туркумидан. «Тўғон». Гидроэлектростанция қурилиши ҳақида ҳужжатли фильм.

13.50 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар).

13.55 «Совет Россияси» видеоканали.

16.25 «Планета». Халқаро программа.

17.25 «Горец» рақсга тушади». Владикавказ шаҳридан кўрсатилади.

17.55 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Эҳтиёт бўлинг, чўртан балиқ». Мультфильм.

18.10 «Мактабдош дўстлар». Телевизион бадиий фильм (ГДР). Премьера.

19.35 «Прелюдия». Телевизион ҳужжатли фильм (Ростов-Дон).

20.00 «Время». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан).

20.30 Мусаввир устахонасида. «Иван Никифоровнинг уч ҳаёти».

20.45 Футбол. Жаҳон чемпионати. АҚШ—Чехословакия терма командалари. Италиядан олиб кўрсатилади.

Р. — 01361. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Д. 1204. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12